БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 14 сентябрь Жума

№ 175 (13.611). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

АБУ ИСО МУҲАММАД ИБН ИСО АТ-ТЕРМИЗИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 1200 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО ИЛМИЙ АНЖУМАН ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Муҳтарам жаноблар, юртимиз меҳмонлари, азиз ватандошлар!

Улуғ аллома, ҳадис илминииг мўътабар намояндаларидан бири ватандошимиз Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий таваллудининг 1200 йиллиги муносабати билан Ўзбекистонга ташриф буюрганингиз, анжуманда қатнашаётганингиз учун жумҳуриятимиз аҳли номидан самимий қутлайман.

Шўро жамияти ўз тарихига қайта назар ташлаб, барча жабҳаларда янгиланиш зарурлигини англаб етган вазиятларда ўтказилаётган бу тадбир ҳам янгича қутлуғ мезонларнинг амал топаётганидан далолатдир.

Шуни мамнуният билан қайд этмоқ керакки, бугунги кунга келиб, давлат билан диний ташкилотларнинг ўзаро муносабатлари анча яхшиланди. Ўзбекистон ҳукумати мўминларнинг истакларини инобатга олиб, мусулмон дунёсининг энг муқаддас ёдгорликларидан бири — халифа Усмон «Мусҳаф»ини улар ихтиёрига қайтиб берди. Қатор тарихий обидалар диний ташкилотлар ихтиёрига ўтказилди. Янги масжидлар очилмоқда. Давлат диний асарларни чоп этишда ёрдам бераяпти. Макка ва Мадинани зиёрат этишга бораётган мусулмонлар кўпайди. Дин пешволари матбуот, радио ва телевидение орқали ўз қарашларини эмин-эркин баён этмоқдалар.

Тақдирга шоён таҳсинларким, ҳозирги даврга келиб халқаро сиёсатда мафкуравий иқлимлар юмшади, сиёсий жоҳиллик, ялпи шубҳапарастлик ортга чекиниб, ўзаро дўстлик, ишонч ва биродарликка кенг йўл очилмоқда. Биз бутун мамлакатимиз қатори хориж аҳли билан, тарихимиз ўзаро узвий боғланган қўшни давлатларнинг халқлари билан, дунёдаги барча тинчликсевар эллар билан илм, маданиятнинг ҳамжиҳатлик соҳаларидаги муносабатларимизни янада яхшилаш тарафдоримиз.

Давр шу куннинг зарур муаммоларини ҳал этишга интилиш баробарида она тарихнинг илғор анъаналаридан сабоқ олишни ҳам тақозо этади.

Қадимий Мовароуннаҳр ва Хуросон фарзандларининг жаҳон илму зиёси тарихга зарварақлар ила битилган асарлари оз эмас. Имом Бухорий, ал-Беруний, ибн Сино, ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Рудакий, Улуғбек, Жомий, Навоий, Бобур, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат ва бошқа юзлаб зотларни жаҳон яхши билади. Бу закийлар силсиласида имом ат-Термизийнинг азиз номлари ҳам ёруғ юлдуздай чарақлаб турибди.

Бугунги кунда Термизийнинг маънавий меросларн нафақат аҳли дин орасида, балки дунёвий илм соҳиблари, кенг миқёсдаги аҳли жамоа орасида ҳам ўз қадрини топаётир. У кишининг шоҳ асарларидан «Китоб ал-Жомеъ ас-саҳих» ҳозирга қадар ҳадис илмининг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Алломанинг асрлар давомида фозилу фузалоларга дастур бўлиб келган ақлу одоб, инсофу диёнат, адолату инсонпарварликни тарғиб этгувчи ғоялари сердолға давримизнинг мураккаб ва зиддиятли ахлоқий-маънавий масалаларини ҳал этишда замонавий аҳамият касб этади.

Қадимдан Шарқ халқларининг илмий-маданий алоқалари кучли эди. Бу ҳамкорлик янада ривожланиб, халқаро дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишончимиз комил.

Термизий ватанига келган барча меҳмонларни яна бир бор муборакбод этаман. Мўътабар анжуман иштирокчиларининг инсоний қадриятларни улуғлаш йўлидаги фаолиятларига барака тилайман.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Президенти И. КАРИМОВ.

ЖУМҲУРИЯТ ДАЛАЛАРИДА

● ЖУМҲУРИЯТИМИЗ жанубидаги энг катта шоли майдони бўлган қўриқ Гагарин ноҳиясида ўрим-йиғим мавсуми бошланди. Бу ерда қарийб етти минг гектар майдонга қимматбаҳо озиқ-овқат экини экилган. Ўрим-йиғим бошлангунича 150 дан зиёд комбайн ва транспорт воситалари тахт қилиб қўйилди, далаларга олиб борувчи йўллар тартибга солинди.

«Правда» давлат хўжалигининг Э. Шомуродов, А. Алимардонов, Б. Абдураҳимов каби механизаторлари ўз комбайнларини далага биринчи бўлиб олиб чиқдилар. Комбайнчилар ишлаётган Б. Алламуродов звеносида мўл ҳосил етиштирилган. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, ҳар гектар ердан мўлжалдаги 35 центнер ўрнига камида 40 центнер шоли олинади. Ҳар бир комбайнчи 350 тоннадан дон йиғиб беришга аҳд қилган.

● ҚУВА ноҳиясидаги «Правда» жамоа хўжалигининг У. Мухторова бошлиқ ижарачи звеноси беда экишни туғаллади. Деҳқонлар шу йилнинг ўзидаёқ дастлабки ҳосилни олишни мўлжаллашмоқда.

Бу йилги мавсумда оила хўжаликдан 12 гектар ер олди. Бутун майдонга силос учун маккажўхори экилди. Экинларни яхши парваришлаш натижасида ижарачилар ҳар гектар ердан 350 центнер кўк масса олиш имконига эга бўлдилар. Буларнинг ҳаммаси аллақачон силос ўраларига жойланган. Хуллас, жамоа подаси ва деҳқонларнинг шахсий моллари қиш даврида тўйимли озуқа билан таъминланади.

● ИШТИХОН ноҳиясидаги Фрунзе номли жамоа хўжалигида ғўза баргини тўкиш туғалланди. Бир неча кундан кейин далаларга «зангори кема»лар чиқади.

Хўжаликдаги бутун техника ҳозирнинг ўзидаёқ ишга шай. Икки сменада ишлаш учун экипажлар танланди, машиналар буриладиган йўлкаларни тайёрлаш ишлари тугай, деб қолди. Механизаторлар бу йил етиштирилган бутун ҳосилнинг камида 80 фоизини машиналарда териб олишга аҳд қилишди. Уларнинг ҳар бири камида 180 тоннадан «оқ олтин» териб бериш ниятида.

Иштихон ноҳиясидаги бошқа хўжаликлар механизаторлари ҳам йиғим-теримга тайёргарликни тугатишмоқда. Бу йил пахта териш мавсуми одатдагидан анча барвақт бошланди. Бунда оила пудратининг жорий этилиши ҳамда пахтанинг янги «С—9070» тезпишар навини ўзлаштириб олиш ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Ноҳияда 20 октябрдан бошлаб ерга кузги ишлов беришни режалаштиришмоқда.

(ЎзТАГ мухбирлари).



Жамила Хўжамова шаҳрисабзлик. У шаҳардаги аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармасига қарашли тикув ва бичув цехида меҳнат қилади. Чевар тикувчи. Комсомол аъзоси. Жамиланинг орзуси битта: ҳамюртларига сифатли ва бежирим либослар етказиб бериш. Эзгу-мақсад йўлида у бутун зеҳни ва маҳоратини ўз касбига бахшида этиб келаётир.

СУРАТДА: Жамила Хўжамова иш устида.

Жўра БОБОРАҲМАТ. олган сурат.

Луқма

Ўзим хон, кўланкам майдон...

ЁКИ ВАЗИР БИЛАН ИНСТИТУТ РЕКТОРИ ЎЗАРО ҚАНДАЙ КЕЛИШАЁТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Профессор Ж. Бозорбоев янги ўқув йили бошланганидан бери бир вақтнинг ўзида икки ўриндиқда ўтириб олиб, Қорақалпоғистон маориф соҳасига раҳбарлик қилмоқда. Унинг бири мухтор жумҳурият халқ таълими вазирининг ўриндиғи, иккинчиси эса Нукусда янги очилган педагогика институти ректорининг ўриндиғидир.

28 август куни марказий телевидение Нукусдаги А. С. Пушкин номли 1-ўрта мактаб бир сменада ўқитишга ўтганлиги бутун мамлакатга хабар қилинди. Бунинг рамзий маъноси бор эди: шаҳардаги энг эски мактаб биринчи бўлиб бир сменада ишлашга ўтаётганди.

...Ушбу хабар берилганидан сўнг бир ҳафта ўтгач, ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг ота-оналари шу мактаб ҳовлисига тўпландилар. Улар бу ерга фақат битта талаб билан — телевизорда айтилган гапни амалга ошириш талаби билан келган эдилар.

Гап шунда эдики, марказий телевидение орқали катта шов-шув қилганидан сўнг, вазир Нукус педагогика институтининг ректори қилиб сайланганди. Тўғри, янги олий ўқув юртининг моддий базаси йўқ эди, бундай шароитни яратишмаганди, ҳатто бўлажак бинолар учун ер ҳам ажратишмаганди. Вақтинчалик берилган биноларда дарсхоналар етишмасди. Шундай қилиб янги ректор ўзининг бўлажак талабаларига яна бир бинони беришга қарор қилди.

У оталиқ ташкилоти бўлмиш 166-қурилиш трестининг бинокорлари олти ёшли болалар учун махсус бунёд этган 1-мактаб биноларидан бирини кўз остига олди. Ректор Ж. Бозорбоев болалардан ўқув биносини тортиб олгани йўқ. Уни вазир Ж. Бозорбоев... шахсан институтга тақдим этди.

Вазир ич-ичидан иккиланган, нимадандир хавотирга тушган бўлса ажаб эмас. Чунки у янги ўқув йили арафасида Ўзбекистон ССЖ Халқ таълими вазирлигига йўллаган ахборотида қуйидагиларни илҳом билан қайд этган эди: Қорақалпоғистонда ўтган йили уч сменада ишлаган 29 та мактабдан бу йил атиги 19 таси қолди. Педагогика институтига ўша бино топширилиши натижасида ўтган йили икки сменада ишлаган А. С. Пушкин номли мактаб... уч сменада ўқитишга ўтишга мажбур бўлур эди.

Вазир-ректор мактабга келди, лекин ўқитувчилар ва ота-оналар билан учрашишни хоҳламади... У аъёнлари билан мактаб директорининг хонасига кирганича, у ердан чиқмади.

Орадан бироз фурсат ўтгач, мактаб директори Э. Голубева ўз хонасидан чиқиб, 6 ёшлилар учун аталган бинони қайтариб олишга муваффақ бўлганлигини айтди. Тўғри, бунинг эвазига мактабнинг бошқа биноси — ўқув-ишлаб чиқариш кабинети қурбон қилинганди.

Ана шунақа гаплар. Лекин, Ким билсин, эртага вазир ...ёки ректорнинг хаёлига нималар келаркин...

В. ЛУЦЕНКО, ЎзТАГ мухбири.

БЎЛАЖАК ҚУРСАНТЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Рус тили чуқур ўргатиладиган ва ҳарбий-жисмоний тайёргарлик кучайтирилган жумҳурият махсус мактаб-интернати жамоаси янги ўқув йилини муваффақиятли бошлади. Тарбияланувчилар учун бу ерда ҳамма шароитлар яратилган. Машғулотларни ўтказишга тажрибали офицерлар жалб этилган, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи ўқув юртини оталиққа олган.

Бу ерда моддий-техника базасини такомиллаштиришга катта эътибор берилмоқда. Физика, математика, рус тилидан янги кўргазмали қўлланмалар, лингафон кабинетлари, аъло жиҳозланган бошланғич ҳарбий тайёргарлик синфлари, махсус компьютер синфи ёшлар ихтиёрига бериб қўйилган. Махсус мактаб-интернатда ўн етти миллат вакили аҳил яшамоқда ва ўқимоқда. Улар учун донгдор кишилар, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, фирқа ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлар ўтказилмоқда.

Т. БОТИРБЕКОВ, ЎзТАГ мухбири.



СССР Спутник

«Спутник» халқаро ёшлар туризми бюроси — ҳар томонлама таништириб ўтишга муҳтож бўлмаган ташкилот. Халқаро ёшлар туризми бюросининг муваффақиятлари ва камчиликлари тўғрисида кўп эшитгансиз. Ёшлар туризми бюроси ва унинг муаммолари тўғрисидаги ахборотни бевосита ана шу иш билан шуғулланувчилардан эшитиш ҳар ҳолда қизиқарли бўлади, деб ўйлаймиз.

«Ёш ленинчи» ва «Комсомолец Узбекистана» рўзномалари «Спутник» халқаро ёшлар туризми жумҳурият бюроси раиси Х. Зайниддинов билан шу йил 18 сентябрда соат 15 дан соат 17 гача учрашув ўтказадилар. Саволларни ёшлар рўзномалари таҳририяти номига хат ёки телеграмма орқали жўнатиш мумкин. Учрашув куни эса қуйидаги телефонлар орқали 33-95-97 ёки 32-55-84. қўнғироқ қилишингиз мумкин.





Саволлар беринг!

Менеджер ким?

Кейинги пайтларда рўзномалар саҳифаларида, берилаётган реклама ва эълонларда менеджер сўзи тез-тез учрайдиган бўлиб қолди. Айтингчи, менежерлар ким ўзи?

О. ОРТИҚБОЕВ.

Бу сўзни инглизчадан таржима қилинганда бошқарув деган маънони англатади. Капиталистик ишлаб чиқаришда бошқарувчилар ёлланади. Улар албатта топширилган ишларни бошқариш бўйича зўр мутахассис бўлишади. Профессионал спортда ҳам машқларни, мусобақаларни ташкил қилиб, уларни амалга оширадиган ишбилармон ана шундай деб, аталади. Кейинги пайтларда бу сўз ва тушунча бизнинг мамлакатимизда кенг ёйилди. Менежерликка ўқитиш йўлга қўйилди.

Сарҳадларимизда аҳвол қандай?

Мамлакатимизнинг Давлат сарҳадларида бир кеча-кундуз мобайнида қанча қоида бузиш ҳоллари учрайди?

М. Б.

СССР Давлат хавфсизлик қўмитаси Чегара қўшинлари шошилинч хизмат навбатчилигининг маълумотига қараганда, июль ойининг бир кунида чегарадаги Уссури дарёсида балиқ ушлаш қоидаси олти марта бузилган. Эрон томонидан 18 киши ва бизнинг томондан 14 киши Кавказ ортида сарҳадни бузган; Панж ноҳиясида чегарачилар билан икки контрабандачи ўртасида қуролли тўқнашуви бўлган; Қирғизистонда эса маҳаллий аҳоли сарҳадни бузиб ўтган икки хитойликни қўлга туширган.

Худди шу куни Совет-Польша чегарасида сигнализация системасига тегиш қайд қилинган. Эрон-Озарбайжон ҳудудида эса адашиб қолган чўпон ушланган.

Бир кеча-кундузлик ҳисоботдан хорижга 10 сўмлик пулдан 240 минг сўм олиб ўтаётган киши литвалик фуқаронинг номи ҳам ўрин олган.

Шу сонга хабар

Пленум бўлиб ўтди

Ургут ноҳия комсомол қўмитасининг навбатдаги кенгайтирилган пленуми бўлиб ўтди. Пленумда Ўзбекистон комсомоли XXIV съездига делегатлар сайлаш масаласи кўриб чиқилди. Ноҳия бўйича съездга жами 9 нафар делегат сайланди.

Шунингдек, Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитасининг раҳбар органларига сайлаш учун номзодлар кўрсатилди.

Пленум ишида вилоят комсомол қўмитасининг биринчи котиби Беҳзод Зокиров қатнашди ва сўзга чиқди.

Эркин КАСАМОВ, Ургут ноҳия комсомол қўмитаси ходими. Самарқанд вилояти.

Орол ва биз

Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг 60 йиллиги олдидан «Она табиатни асрайлик» мавзусида китобхонлар анжумани бўлиб ўтди. Унда Хоразм вилояти фирқа қўмитасининг котиби, шоир ва ёзувчи Эркин Самандаров, Оролни асраш қўмитасининг раиси, профессор Пирмат Шермуҳамедов, «Ёш ленинчи» рўзномасининг муҳаррири Жаббор Раззоқовлар иштирок этдилар.

Учрашув мавзуси Орол муаммосига бағишланди. Сўз олган филология фанлари номзоди А. Турсунқулов, Ў. Лафасов, Э. Самандаровнинг «Дарёсини йўқотган қирғоқ» романининг долзарблиги, бадиий тили ҳақида сўз юритдилар. Талабалардан С. Мелиқулова, Д. Юсупова ва бошқалар ҳам асар ҳақида ўз фикрларини билдиришди.

А. ҚАҲРАМОНОВ.

Халқ ижодига кенг йўл

Жумҳуриятимиз пойтахти Тошкентда куз мавсуми турли-туман анжуманларга бой бўлмоқда. Санъат турлари ичида энг оммавий жанрлардан бири ҳисобланган халқ ижодиётининг III-Бутуниттифоқ ашула ва рақс жамоаларининг кўрик беллашуви яқинда «Баҳор» томоша залида бўлиб ўтди. Бу кўрик беллашувда жумҳуриятимизнинг турли вилоят ва ноҳияларидан ташриф буюрган 14 жамоа бўлган 650 дан ортиқ киши иштирок этди.

Бундай беллашувни ташкил қилишдан асосий мақсад, халқимиз орасида, айниқса, ёшларимиз орасида унут бўлиб кетаётган лапарлар, яллалар, маталларнинг мусиқавийлигини, жарангдорлигини кўрсатиш эди.

Анжуманда биринчи ўринни Фарғона вилоятининг Тошлоқ ноҳиясидаги «Райҳон» ашула ва рақс жамоаси эгаллади. Қува ноҳиясининг «Анор», Хоразм вилоятининг «Наврўз», Тўрткўл ноҳиясининг «Тарона», Наманган вилоятининг «Наманган гуллари» каби жамоалари ҳам фахрли ўринларни қўлга киритдилар. Ғолиб деб топилган мусиқа жамоаларига ҳакамлар ҳайъати томонидан совғалар, фахрий ёрлиқлар топширилди.

С. ҒУЛОМОВА.

Майдон эгаларининг муваффақияти

Валиқчи ноҳиясидаги маданият ва истироҳат боғида барпо этилган янги кураш майдонида фарғонача кураш бўйича Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон биринчилиги бўлиб ўтди. Ушбу спорт базаси халқ ҳашари йўли билан қурилган. Уни қуришда теварак-атрофдаги деярли барча қишлоқларнинг аҳолиси иштирок этди.

Команда ҳисобида биринчи ўринни Андижон вилояти полвонлари эгаллашди. Бу ютуққа ўз вазнларида мусобақа ғолиблари бўлган Х. Қўшматов, С. Каримов, Т. Абдуллаев, Ш. Исоқов, Р. Исоқов, О. Мирзараҳимов ва Ш. Усмоновлар катта ҳисса қўшишди.

Энди чемпионлар Ўзбекистон XXI спартакиадаси программаси асосида ўтказиладиган мусобақада Андижон вилояти спорт шарафини ҳимоя қилишлари керак бўлади. Бу мусобақа сентябрь ойининг охирларида ўтказилади.

Шу сонга хабар

Мактабгача тарбия муассасаларида

ДУНЁ ФАҚАТ БОЛАЛАРНИКИ

У ҳар куни эрталаб ширинтойлари қучоғига отланади. Қизнинг ташвиши-ю, ўйлари жажжиларида. Болалар... Қанчалар беғубор, қанчалар покиза сўз. Улар қувончлари... Севинчлари...

Бижир-бижир сўзлайдиган бийрон болажонлар билан суҳбат қурганмисиз? Уларнинг эрка «қилиқлари»дан олам-олам завқ олганмисиз? Мен жажжилар билан суҳбатда бўлдим.

— Мен-чи, катта бўлсамчи-и, мойожино сотадиган бўламан.

— Мен магазинчи.

— Мен эса мочина минадиган бўяман, — дейишади улар.

Жажжи суҳбатдошларимнинг орзулари мўл. Ҳаммалари ўзлари ёқтирган касбларнинг эгаси бўлишни, ундан хоҳлаганларича фойдаланишни истайдилар. Улар ҳали боғчада чопқиллаб юрган, эртанги кун ташвишларидан бехабар эркин қушчалардир...

Қаҳрамонимиз эса Дилфуза! Эндигина 20 ёшга тўлади. Ёш бўлишига қарамай кичкинтойларга бош қиз. Унга ҳам қийин, ҳам мазза. Негаки, болаларнинг дилидагини тушуниш мушкул савдо. Улар билан суҳбатлашиш эса мароқли.

Дилфуза завқли ҳароратлар оғушида икки йилдан буён кичкинтойларга эртаклар айтиб келади. Улардан ажралган кунларидаги соғинчларини айтмайсизми? Шундай пайтлари ҳам бўлган. Сабаби Дилфуза Тошкентдаги Крупская номли педагогика билим юртининг сиртқи бўлимида тарбиячилик мутахассислиги бўйича таълим олмоқда...

Наманган вилояти Янгиқўрғон ноҳияси халқ таълими бўлимига қарашли Феруза номли 8-болалар боғчаси 360 ўринли бўлиб, Дилфуза Усмонова (логопед) тили чучук болалар гуруҳи билан шуғулланади.

У ўз ишини яхши билади. Болалар билан тил топишмоқ учун тиш-тирноғи билан тиришади. Дилфузанинг ўзи ҳам болалигида шу боғчада тарбияланган. Раҳбар Давлатова, Мунис Бозорова, Шоира Султонова каби тарбиячилар ундан ёрдамини ҳозир ҳам аяшмайди.

Қисқаси тарбиячиларнинг ишларидан қониқса бўладику, бироқ камчиликларнинг қаторлашиб турганини айтмасак бўлмайди.

1974 йилда қуриб битказилган боғчада канализация умуман ишламайди. Родиновдаги ғишт заводи боғчани оталиққа олган. Лекин улар ҳали бирор бир наф келтиришгани йўқ. Хонадаги жўмраклар ишламагани учун пастдагисидан фойдаланишади.

Кадрлар масаласи ҳам муаммо. Устига-устак битта каравотда иккитадан бола дам олади.

Дилфузанинг дугонаси Юлдуз куйиниб гапирди:

— Мамай қишлоғидан ҳар куни ноҳия марказига қатнайман. Иш йўқлиги учун вақтинчалик идиш ювувчи бўлиб ишлаяпман. 65 сўм ойлик оламан. Уч кун ишлаб икки кун дам оламан. Шундай пайтлар бўладики, баъзан бир ой уч ойлаб ҳам навбат кутиб қоламан.

Мен ҳам Дилфуза билан бирга сиртдан тарбиячиликка ўқияпман. Қани энди ҳафтада икки кун бўлса-да тарбиячиликда ишласам эди, ҳартугул малакам ошардида.

Демоқчиманки, ўқиганларимизни амалда кўрсак.

Ҳа, Юлдуз айтганидек боғчаларда муаммолар оқими кўпайганидан кўпайиб кетаяпти. Бу гапларга тегишли мутасадди ўртоқлар нима деркан лар.

...Агар мендан «Энг ширин нарса нима?», деб сўрашса, ҳеч тортинмай «болалик даврини суриш», деб жавоб берган бўлардим. Чунки болалик шоир айтганидек оппоқ қоғозга ўхшайди. Чанг-ғубори йўқ. Болаликка сира ҳам гард юқмайди. У умрбоқий оқликда муваффақ ҳолда сақланади. Тўғри, инсон болалиги доимий эмас. У ўсмирликка томон боради. Лекин болалик сўзи кексайган одам учун ҳам жуда муқаддас.

— Камчиликларимиз кўп, лекин барибир болалар билан ишлаш яхши-да. Болаларни севаман. Улар билан ишлаш ҳам роҳат, ҳам масъулиятли, — дея гапларимни давомлайди Дилфуза Усмонова.

Ҳа, болалар билан ишлаш оғир. Улар билан тил топишмоқ учун эса хаёлан бўлса-да, болаликка қайтиш лозим бўлади.

Тупроқ кўчаларда чопган болалик,
Йиллар чанги ичра аста йўқолди.
Болалик кетдию шўх суҳбатларда
Уни кула-кула эсламоқ қолди...
(Э. Воҳидов).

Дарҳақиқат, дунёмиз, бутун борлиғимиз болаларники экан, келинглар биз уларга қўлдан келганча яхшиликлар қилайлик.

Одина РАҲМОНОВА,
ТошДД журналистика куллиёти талабаси.

Долзарб мавзу

Кўҳитанг фарёди

Бундан уч ярим минг йил илгари Шеробод Кушонлар давлатининг санъати, ҳунармандчилиги, маданияти ривожланган маркази бўлган. Воҳа бағридан топилаётган археологик ашёлар жаҳон санъатшунослари ва археологларининг диққатини ўзига тортмоқда. Бир сўз билан айтганда эндиликда хорижликларнинг қадимги Кушонлар еридан қадами узилмай қолди.

Воҳа одамлари Кўҳитанг табиати гўзаллигини Кавказ чиройига алишмайдилар. Тоғнинг ноёб ҳайвонот олами, доривор ўсимликлари, ундаги нодир бойликларнинг кўплиги ерли аҳолининг кўз қорачиғи. Бу ернинг сўлим гўшалари кишидаги ҳар қандай чарчоқни олади, баҳрини очади. Тоғликларнинг айтишича, унинг сеҳри бор. Табиати, булоқ сувлари кишига ёшлик кучларини ато этади. Кўҳитангда бўлмаган саёҳ балки бу гапларни муболаға дейиши мумкин.

Воҳа аҳолиси 85 минг кишидан ортиқ. Кўҳитанг бағрида «Коммунизм» давлат хўжалиги жойлашган бўлиб, чорвачиликка ихтисослаштирилган. Хўжаликда ўндан ортиқ қишлоқ мавжуд. Унинг аҳолиси 20 минг кишидан ошиқ.

Кўҳитангликлар 1979—1980 йилларни афсус-надомат билан эслашади. Чунки, бу саналар ерли халқнинг бир умр қалбларига қора доғ бўлиб муҳрланди.

Ўша йиллари вилоят фирқа қўмитаси, ижроқўмнинг собиқ раҳбарлари Кўҳитангнинг кўкрагига «тиғ» санчишди. Улар Кўҳитангнинг Оқтош қишлоғида туз конини кашф этишди. Урра-урра билан бир пасда баҳайбат техникалар Оқтошни олғов-далғов қилиб юборди. Бу ерда «Қизил китоб»га кирган ноёб паррандалар, жониворлар тинчи бузилди, гўзал маконларини тарк этишди. Ҳали ҳозирга қадар сайроқи булбуллар, какликлар, беданалар, кийикларни Оқтошда учратмайсиз. Ҳатто изласангиз ҳам топа олмайсиз. Ана шу жониворларнинг изларини яқин икки-уч йил ичида бирор киши учратганини эслай олмайман.

Собиқ раҳбарлар янги «кашфиёт»лари ҳақида юқорига жар солишди. Куни-тун телефонлар жиринги бир сония тинмади. Кон очилди баҳонаси билан Кўҳитангда маишатбозликлар, базми жамшидлар авж олар, шифобахш гиёҳлар ифлос қадамлар остида янчилиб, хазон бўларди. Паррандалар, жониворлар шўрвага бостирилганлиги, тандир қилиб йўқотилганлигини ҳали-ҳали оқтошликлар куйиниб гапиришади.

Ниҳоят, ўша кимсалар мақсадларига эришдилар. Туз кони очилди. Унинг очилиши ерли аҳолига ажал уруғини, фожиани олиб келди. Ўша йилларда ҳашар йўли билан темир излар ётқизилди. Ўша пайтда фожиа — ҳашар учун собиқ раҳбарларнинг қистови билан вилоятдаги қанчадан-қанча хўжаликларнинг маблағлари сарфланди. Оддий ишчи ёки дала меҳнатчиси тўрт-беш ойлаб маошини олмай чирқиллаб юришди. Чунки, оддий меҳнаткашнинг ҳалол маошининг катта бир қисми «ҳашар»га сарфланганди. Мана шу офатга жами 20 миллион сўм соврилди.

Ҳозир Оқтошда янги кончилар посёлкаси барпо этилган. Унинг аҳолиси кун сайин кўпайиб бораяпти. Шаҳарчада 500 га яқин хонадон бор.

Кон тузларини қазиб олиш мураккаб эмас. Маҳсулотни олиш жараёни очиқ усулда бажарилади. Кон очилган дастлабки пайтларда йилига 200 минг тонна қазиб олиниб турилган бўлса, бугунги кунга келиб бу рақам 550—600 минг тоннани ташкил этади. 1995 йилга бориб эса 1 миллион тонна маҳсулот олиш кўзда тутилмоқда. Туз чанги, ундан чиқаётган ва тарқалаётган заҳар эса бутун атрофдаги қишлоқларга ёпирилмоқда.

«Коммунизм» давлат хўжалигида 60 минг бошдан зиёд чорва бор. Хўжаликнинг асосий чорваси, аниқроғи унинг салкам 30 минг бош қўй-эчкиси Оқтошнинг серўт яйловларида боқиларди. Кон очилиши билан яйловнинг ўти қуриб кетди. Гиёҳлар йўқолди. Қишлоқ атрофидаги ўнлаб шифобахш сувли кўлмак қуриди. Унинг айримлари сабабсиз кўмиб юборилди. Мевали дарахтлар, ёввойи пистазорларга катта зиён етди. Қишлоқдаги боғ-роғлар таг-томири билан йўқ қилинди.

Орадан ўн йилча вақт ўтяпти. Оқтошнинг бошига суюкли Оролимиз, Бўстонлиқ куни тушди. Унинг бугунги ҳолини кўриб ҳар қандай тошюрак ҳам ачинади. Борди-ю, ҳозир Кўҳитангга бирор хизмат юзасидан борсангиз албатта аччиқ, туз чанги димоғингизга урилиб, нафас олишга қийналасиз. Туз майдалаш фабрикасидан конни портлатиш (кунига уч-тўрт марта) туфайли кўтарилаётган чанг-тўзон дақиқалар ичида атрофни ўз қаърига олади. Унинг устига кондан майдалаш тегирмонига қадар туз очиқ усулда ташилади. Иккинчидан эса, портлатиш натижасидаги шовқин, қирқ тонналик «БелАЗ»лар, бошқа баҳайбат техникалар овози узоқ-узоқларгача етиб бориб, бошқа ерда кун кўраётган парранда ва жониворларни чўчитмоқда.

Туз чанги офати кун сайин авж олаяпти. Қишлоқлардаги булоқлар айрим сақланиб қолинган кўлмаклар сувини энди истеъмол қилиб бўлмаяпти. Ўта шўр бўлиб кетган. Аҳолиси эса тоза ичимлик сувига зор. Кейинги уч йил мобайнида яйловда туз чанги туфайли бир дона ҳам гиёҳ кўкармабди.

Мен туз кони дирекцияси бошлиғи Турсунпўлат Салоҳиддиновдан тузни ёпиқ усулда олиш, унинг чангини тўсиш борасида қандай чора-тадбирлар кўрилаётганлиги ҳақида сўраганимда у: «Биз туз омборларини ёпиб қўйишни ўйлаяпмиз. Вақти келиб бир йўлини топармиз-да» дейиш билан кифояланди. Бу кўргуликни фақат ёпиш билан тўхтатиб бўлмасликни наҳотки ўша раҳбар тушунмаса. Тушунади. Аммо унга бундай зарур иш учун вақт йўқ. Бўлмаса бунинг олдини олиш учун атиги 150 минг сўм сарфланади, холос. Ахир маҳсулот Иттифоқимизнинг ўндан ортиқ нуфузли саноат корхонасига етказиб берилади. Ундан келаётган даромадлар-чи?!

Кўҳитангликлар ўртасида турли юқумли — буйрак тоши, сариқ, ўпка сили каби касалликлар учраяпти. Бу хасталиклар кун сайин туз чанги туфайли кўпаймоқда. Айниқса, янги туғилган болалар азобланмоқда, ўлим ортиб бораяпти. Шунингдек, чорва моллари ҳам ўпка касалликларига чалиниб, қирилаяпти. Чунки туз чанги ва унинг заррачалари гиёҳлар устини қоплайди, уни моллар еганда оғиз орқали ўтиб танини жароҳатламоқда. Ҳаво орқали эса ўтган туз чанги нафас орқали моллар ўпкасига тиқилиб қолади. Ўпкада қон айланиши тўхтайди. Натижада моллар ўлади. Оқибатда ҳар йили чорвада чиқим кўпайиб, хўжалик зиммасига оғирлик тушяпти. Аҳвол шу тарзда давом этаверса яна узоғи билан уч-тўрт йил ичида Кўҳитанг ўлик масканга айланиши аниқ. Кейин эса афсусланиш, ачиниш бефойда.

Бу ҳам етмагандек ноҳия марказидан чамаси беш юз метрлар узоқликда асфальт тайёрлаш заводи, уч жойда эса оҳак тайёрлайдиган цех ишлаб турибди. Бугунги кунда бу завод ва цехлардан чиқаётган қора тутун бир пастда қишлоқларни қоплаб олади. Ундан чиқаётган заҳар ва оҳак чангларига чидаб бўлмаяпти. Ҳар бир оҳак тайёрлаш цехидан бир ҳафта мобайнида 3 минг тонна оҳак олинади. Оҳак тайёрлаш учун бир ҳафта ичида камида 600 тонна қора мой ёнилғиси керак бўлаяпти. (Бу рақам ҳали ўрта ҳисобланган). Демак учта оҳак цехи учун бир ҳафта мобайнида ёнилғи сифатида 1800-2000 тонна қора мой ишлатилади. Асфальт тайёрлаш учун бундай ёнилғи уч баровар кўп ишлатилади. Йил ўн икки ой аҳоли мана шу қора кўланкадан нафас олишади. Бундан эса ноҳия ва унинг атрофидаги қишлоқ аҳолисини ҳисоблаганда 35—40 минг киши заҳарланяпти.

Бироқ ноҳия раҳбарлари, бошқа мутасадди ўртоқлар бундай ачинарли аҳволга, табиатни муҳофаза қилишга панжа орасидан қарашяпти. Одамларни ташвишга солаётган бу муаммолар раҳбарларнинг сира хаёлига келмаётганлигига нима дейиш мумкин?

Ўзбекистон ССЖ халқ рассоми Рўзи Чориевнинг «Кўҳитанг манзаралари» деб аталган йирик асари бор. Мусаввирнинг бу полотноси кўплаб хорижий мамлакат кўргазмаларида намойиш этилиб, юксак баҳоланган. Жаҳонга машҳур италиялик рассом, Халқаро тинчликни сақлаш Ленин мукофоти лауреати Ренатто Гуттузо мусаввир асарлари, айнан ана шу полотнони кузатиб шундай баҳо берган эди: «Рўзи Чориев ушбу асари билан мени янги бир дунё билан таништирди». Ёки швейцарияликлар «Кўҳитанг — бу ҳақиқий Швецария экан», деб тан олишган.

Рўзи Чориев ана шу юртда туғилиб ўсган. Мана бугун эса рассомнинг суюкли юрти, дунёга машҳур бўлган Кўҳитангнинг бетакрор гўзалликлари йўқ. Унинг фарёдига эса ҳеч ким қулоқ солмаяпти.

И. ФОЛЬКИН,
СССР Журналистлар уюшмаси аъзоси.

ТИЛ ЎРГАНИШГА— ЎН КУН

Тошкентда инглиз тилини ўрганиш курси роппа-роса ўн кун ишлади. Лекин курс тингловчилари инглиз тилида эркин гаплашишни ўрганиб олишлари учун аиа шу муддат етарли бўлди.

Инглиз тилини тез ўрганишга СССР Энергетика вазирлиги раҳбар ходимлари малакасини ошириш Бутуниттифоқ институти руҳият кафедрасининг доценти А. С. Плесневич ишлаб чиққан методика ёрдам берди.

— Хорижий тилларни тез ўзлаштиришнинг фақат битта усули бор, — деб ҳисоблайди Альберт Станиславович. — Ҳар биримиз ана шу усулдан умримизда бир марта фойдаланганмиз, яъни ёшлигимизда тилимиз чиқаётганда фойдаланганмиз. Эслаб кўринг, кичкинтой нима қилади! У қулоқ солади, дастлабки сўзларни айтади. Бу сўзларни ҳам бузиб талаффуз қилади, лекин одамлар уни тушуна бошлайдилар. Кичкинтой учун яхши омил бор — у гаплашишни хоҳлайди. Шунинг учун ҳам у талаффуз қиладиган сўзлар сони кундан-кунга кўпайиб боради. Бола аста-секин оғзаки нутқни эркин ўзлаштириб олади.

А. С. Плесневич ўз шогирдларини болаликда босиб ўтилган ана шу йўлни яна бир марта такрорлашга мажбур қилади. Курсда ўн кун ўқитиш давомида тингловчилар ётоқхонада ташқи дунёдан ажралган ҳолда яшайдилар. Машғулотлар эрта тонгда бошланиб, кечаси тугайди. Бу вақтда одамлар нима қилишади! Улар бир-бирларининг гапларини тинглашади ва гапиришади. Ҳар бир янги сўзни овоз чиқариб айтишади. Улар ўйнайдилар, қувноқ ҳазиллар, қўшиқлар, қизиқ воқеаларга жалб этиладилар. Шу тариқа тобора кўпроқ сўзларни ўзлаштириб оладилар. Аввалига нотаниш туюлган тил тез орада тушунарли бўла боради, инглиз тилини азалдан билгандек бўлиб қоласан, киши.

Курсда она тилида бир оғиз ҳам гапирилмайди. Бу ерда ҳатто нонушта ва тушлик пайтида ҳам инглизча гапиришади.

— Бу усулни ишлаб чиқиш билан 1967 йилдан буён шуғулланяпман, — деб давом этади А. С. Плесневич. — Инглиз тилини билмайдиган одам учун бу тил ундан алоҳида, мустақил мавжуддек туюлади. Тингловчилар гуруҳида ана шу мустақил мавжуд бўлган тил «қўшилади»: инсонга чет тил «юқиб қолади», идроклашнинг оддий мантиқий каналларини четлаб ўтиб, тилни ўзлаштиради. Ўқув материали тингловчиларнинг руҳий-туйғу фаолияти орқали ўтади.

Афсуски, хоҳлаган кишиларнинг ҳаммаси инглиз тилини тез ўрганиш усулидан фойдалана олмайдилар. Жумҳуриятимизда хорижий тилларни тез ўрганишни хоҳловчилар кўп. Лекин манфаатдор идоралар бу усулга эътибор бермаётганликлари ҳайратга солади.

(ЎзТАГ мухбири).



...Айтишадики, қизлар комсомолда фақат турмушга чиққунга қадар ишлашади. Кейин рўзғор ташвиши, бола-чақа ғами... Комсомол қўмиталари раҳбарлари орасида котибалар камлиги шундандир. Уллибиби Шержонова Хива табобат билим юрти комсомол қўмитаси котибаси. Оилалик. Икки нафар ўғли бор. Лекин Уллибиби оила юмушларига ҳам, ҳеч адоғи йўқ комсомол елиб-югуришларига ҳам вақт топади. Талабалар орасида ўзига яраша обрў-эътиборга эга.

СУРАТДА: (ўнгда) У. Шержонова комсомол фаоллари билан.

Ж. ҚОЗОҚОВ сурати.

Мавзуга қайтиб

ЗИЁНИНГ МАШАҚҚАТЛИ ЙЎЛИ

Улуғ Октябрь инқилобининг биринчи йилларида Туркистон Маориф Халқ Комиссарлиги раҳбарлик идораларидагина эмас, ҳатто таълим-тарбия миллий тилларда олиб бориладиган мактабларда ҳам янги усулда ишлайдиган маҳаллий зиёлилар етишмас эди. (1918 йилнинг сентябригача Жумҳурият Маориф Халқ Комиссарлиги коллегияси аъзолари ичида биронта ҳам маҳаллий халқ вакили йўқ эди).

Маҳаллий аҳолидан малакали маориф раҳбарлари, мактаб ва бошқа ўқув юртлари учун малакали муаллимлар етиштириш биринчи навбатдаги иш эди. Туркистон Мухтор Жумҳурияти Маориф Халқ Комиссарлигининг 1920 йил 19 октябрда ўтган коллегиясида (маориф комиссари А. Раҳимбоев) мусулмон (маҳаллий аҳоли болалари ўқийдиган халқ мактаблари назарда тутилган. Й. А.) мактаблари учун 460 ўқитувчи етишмаслиги кўрсатилган. Туркистон ўқитувчилар тайёрлайдиган қўшимча курслар, техникумлар ва билим юртлари очишдан ташқари (бундай курслар 1918 йилдан очила бошлаган. Й. А.) Россия Коммунистлар партияси Марказий Қўмитаси ва ҳокимият марказий органларидан Туркистондаги мусулмон мактабларига Татаристон Жумҳуриятидан 300 нафар ўқитувчи юбориш ҳақида илтимос қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. (ЎзССЖ Марказий Давлат архиви, 34-фонд, сақланиш бирлиги 407, 88-бет. Бундан кейин архивни қисқартириб МДА шаклида берамиз).

1918 — 1920 йилларда Туркистон Мухтор Жумҳуриятида муаллимлар тайёрлайдиган бир, уч, олти ойлик курслар, 1920 йилдан бошлаб, мазкур курслардан ташқари, педагогик ўрта маълумот берадиган таълим-тарбия билим юртлари ва техникумлар очиш орқали амалга оширила бошлаган.

Шу йиллари чет элларда олий маълумотли маҳаллий кадрлар етиштириш масаласи ҳам режалаштирилган эди. Бу масала Тошкент шаҳрида 1918 йилнинг августида бўлган мусулмон муаллимлари ва маориф жонкуярларининг 1 съездида (маориф комиссари эсер К. Я. Успенский, бу съезд Муродхўжа Солиҳов, Ваҳоб Муродий ва бошқа тошкентлик маорифчиларнинг ташаббуси билан ўтказилган) 1921 йилнинг январида бўлган тил ва имло қурултойида ҳамда 1922 йил 20 — 21 мартда ўтган ўзбек маориф ходимларининг II съезди кун тартибига киритилган эди.

II съезднинг ташаббускорлари Туркистон Маориф Халқ Комиссарлиги (комиссар Султон Ҳожинов, ўринбосари Ф. Оликов), Давлат Илмий Кенгаши (раис Усмонхон Эшонхўжаев, ўринбосари профессор А. Э. Шмидт) ўзбек билим ҳайъати ходимлари (раис Абдулҳамид Сулаймон ўғли Юнусов — Чўлпон) бўлганлар. Бу съездга овоз бериш ҳуқуқи билан 100 делегат қатнашган; профессор Е. Д. Поливанов, Т. А. Фалеев, шунингдек, Бухоро ва Хоразм Маориф вазирлиги ҳамда Татаристон, Бошқирдистон, Қозоғистон ва Озарбайжон вакиллари иштирок этганлар.

Рўзномаларда 1922 йилнинг март ойида Бухоро Маориф вазирлиги илм толибларининг янги бир гуруҳини чет элга (Германия ва Россияга) олий маълумот олиш учун юбориш юзасидан тайёргарлик ишлари олиб бораётганлиги тўғрисида ёзилган.

Шу йиллари ёшлар Туркияга ҳам юборилган (Маннон Ромиз). Туркистон Маориф Халқ Комиссарлигининг 1921 йил 7 майда ўтган коллегиясида (маориф комиссари Шаҳид Гимамиддинович Аҳмедиев) «Чет элга маҳаллий аҳоли вакилларини ўқишга юбориш» масаласи муҳокама қилинган ва қуйидаги қарорга келинган: «Ўқиш учун чет элга қирғизлардан (қозоқ ва қирғизлар назарда тутилган. Й. А) 10, ўзбеклардан 10, туркманлардан 5 киши юборилсин». (ЎзССЖ МДА, 34-фонд, сақланиш бирлиги 708, 50 бет).

Жумҳурият Маориф Комиссарлигининг 1921 йил 2 декабрдаги коллегияси қарорида мана бундай ёзилган: «Маҳаллий аҳоли вакилларидан 30 нафар студентини чет элга ўқиш учун командировкага юбориш масаласи РСФСР Маориф Халқ Комиссарлиги олдига иккинчи марта қўйилсин». (ЎзССЖ МДА, 34-фонд, сақланиш бирлиги 709, 39-бет).

Коллегия 1922 йилда чет элга 25 нафар ўзбек илм толибини командировка қилиш ҳақида қарор чиқаради ва улар РСФСР Маориф Халқ Комиссарлиги (маориф комиссари А. В. Луначарский) Германияга ўқишга юборилади.

Тошкент зиёлилари чет элга ўқишга борувчилар учун «Кўмак» орқали моддий ёрдам уюштирганлар. Германияда ўқиган ёшларнинг қисмати ҳақида олим Шерали Турдиев «Ёш ленинчи» рўзномасида шу йил туркум мақолалар берди.

Чет элга ўқишга юборилган ёшлар орасида Туркистон Давлат дорилфунунининг талабаси Аҳмад Шукуров ҳам бўлган. Бу студентнинг «Туркистонда мусулмон мактаблари» мавзусидаги иши 1922 йилнинг март ойида дорилфунуннинг педагогика куллиётида реферат сифатида ўқилган. Бу иш Туркистон Маориф Халқ Комиссарлигининг «Наука и просвешение» ойномасининг 1922 йилги 1-сонида босилиб чиққан. (Бизга маълум бўлган маълумотларга кўра, мазкур талаба Туркистонга қайтиб келмаган).

«Наука и просвешение» ойномасининг фақат 1- ва 2-сони босилиб чиққан. 2-сон Туркистонда Маориф Халқ Комиссарлигининг таъсис этилганлигининг беш йиллигига бағишланган. Шунинг учун Туркистонда маорифнинг тарихига оид материалларга кенг ўрин берилган, чунончи: дорилфунун ректори Г. Черданцевнинг «Туркистон дорилфунунининг дастлабки йиллардаги тарихи» (1918-1922) ҳақида қимматли материали бор. Шу кунларда В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат дорилфунунининг 70 йиллигини нишонлаш юзасидан катта тайёргарлик олиб борилаётган пайтда мазкур ишдаги материаллардан фойдаланиб, шу кунгача йўл қўйиб келинган айрим чалкашликларни бартараф қилиш зарур.

Мазкур ойнома саҳифаларида машҳур олимлар Е. Д. Поливанов, А. Э. Шмидт, И. Иомудский, А. Диваев, В. Бартольд, П. Фалев, Н. Архангельский, В. Успенский, А. Самойлович, Ғози Юнус (Олим) ва бошқаларнинг ҳозир ҳам ўз қийматини йўқотмаган илмий мақолалари бор.

Тарих фанлари доктори П. Г. Ким «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномасининг 1989 йил 20 октябрь сонида босилган «Уйдирма ва ҳақиқат» номли мақоласида ушбу сатрлар муаллифининг 1966 йилда «Ўқитувчи» нашриёти томонидан нашр қилинган «Очерки по методике обучения грамата в узбекской школе» номли китоби ҳақида мана бундай ёзади: «Совет олимлари К. Е. Бандриков ва Й. Абдуллаевнинг китобларида мактабларда хат-саводни ўрганиш жараёнларининг тадқиқига махсус боблар бағишланган. Бу китобларда, айниқса Й. Абдуллаев китобида мактабларда хат-савод ўргатишнинг барча асосий босқичлари батафсил таърифланган».

Мен мазкур китобда матбуотда кенг тарғиб қилинган «Ўзбекистонда инқилобгача саводлилар 1,5 фоиз эди» деган тезисни берган эмасман, чунки бу рақам илмга ўринсиз кириб қолган: 1916 йилда Туркистон генерал-губернатори Туркистон мактаблар бош инспекторидан Туркистон Россияга қўшиб олинганидан кейин 50 йил давомида маориф соҳасида қилинган ишлар ҳақида маълумотнома беришни талаб қилган. Бош инспектор маҳаллий халқ маорифи ҳақида маълумот ёзганида орадан ўтган 50 йил давомида маҳаллий халқ болаларидан рус мактабларига жалб қилинганларнинг сони умумболаларнинг миқдорига нисбатан 1,5 фоизини ташкил қилишини кўрсатади. Ана шу маълумотга асосланиб, баъзи тадқиқотчи-тарихчилар ва педагоглар «инқилобгача ўзбеклардан саводлилар 1,5 ёки 2 фоиз эди», деган фикрни кенг тарғиб қилиб келдилар.

Инқилобгача маҳаллий халқ болаларининг кўпчилиги эса мактабхона ва мадарасаларда ўқир эдилар. Мазкур олим — тадқиқотчилар эса мактаб ва мадрасаларни инкор этиб келдилар.

Мен ўз китобимда ўтмишда Ўзбекистонда саводлилар неча фоиз бўлганини умуман кўрсатган эмасман, чунки бу хусусда бирон-бир расмий ҳужжат йўқ: 1897 йилда ўтказилган Бутунроссия аҳоли рўйхатида Туркистондаги аҳолининг саводли ёки саводсиз эканлиги талаб қилинмаган эди. Олимлар бу рўйхатнинг асосий камчиликларидан бири эканлигини ўз вақтида кўрсатганлар. Шу камчиликни тугатиш мақсади билан аҳоли рўйхатини 1914 йилда ўтказиш режалаштирилган эди, аммо биринчи жаҳон урушининг бошланиши билан бу иш амалга оширилмай қоғозда қолиб кетган.

Тарихчи олим П. Г. Ким маъкур мақоласида бундай ёзади: Туркистонда аҳолининг умумий сони 3792774, мактаблар сони — 6027, ўқувчилар сони 64015, аҳолининг умумий сонига нисбатан ўқувчилар — 1,7 фоизни ташкил этган ҳолда аҳолининг саводхонлиги 19,55 фоиз бўлган». Бу тезисни «Фан ва турмуш»нинг 6-сонида бошқа тарихчилар ҳам такрорладилар.

Ҳақиқатан ҳам, Туркистонда мактаб «хона»ларнинг умумий сони кўп бўлган, 1960 йилда «Ўрта ва олий мактаб» давлат нашриётида босилиб чиққан «Эски мактабда хат-савод ўрганиш» деб номланган китобда турли манбаларга асосланиб, Туркистонда мактабхоналар 1911 йилда 7070 та, 1913 йил 1 январда эса 7290 та бўлганлигини кўрсатган эдим. Аммо мактаблар сонига асосланиб, саводлилар сонини белгилаш тўғри ва асосли бўлмайди, чунки ўтмишда шаҳарларда, шунингдек, қишлоқларда деярли ҳамма ўғил болалар мактабга борганлар, аммо мактабга қатнаган болаларнинг сони кўп, улар саводли бўлган, ўз она тилида ўқиш-ёзишни билган деган ҳукмни чиқаришга имкон бермайди, кўп болалар 2-3 йил мактабга қатнаган, домла ва отинойилар араб алифбесини гоҳ ўргатиб, гоҳ ўргатмай «Ҳафтияк»дан Қуръон сураларини ёдлатганлар, болалар ўзлари мутлақо тушунмайдиган классика араб тилида ёзилган сураларни ёдлаганлар ва кўпчилик олдида ёддан айтиб берганлар. Аммо бундай болаларни биз тушунган маънода саводли бола деб ҳисоблаш тўғри бўлмайди.

Шундай экан, Туркистонда «аҳолининг саводхонлиги — 19,55 фоиз бўлган» деган хулосага келиш ҳам илмий асосли бўла олмайди.

Туркистонда мактаб (хона)лар сони кўп бўлган, аммо ўз она тилида ариза ва бошқа ҳужжатни ёза оладиган аҳолининг сони оз бўлган. Мактабхонада она тилини ўқув предмети сифатида ўқитилмаган. Орадан 70 йилдан зиёд вақт ўтди, эндиликда ҳеч қандай илмий метод асосида ҳам ўтмишда халқимизнинг неча фоизи саводли бўлганлигини илмий асослай олмаймиз. Аммо инқилобгача ўзбеклар 1,5 ёки 2 фоизни саводли эди, деган гапни ёзишдан ўзини ҳурмат қилган зиёли сақланиши зарур.

Йўлдош АБДУЛЛАЕВ,
педагогика фанлари номзоди.

«...ЛЕОНИД ИЛЬИЧ ЎЗИ ҲАҚИДА ЯХШИ ХОТИРА ҚОЛДИРДИ»

ЮРИЙ ЧУРБАНОВ, МАҲБУС, 1979-1985 ЙИЛЛАРДА КПСС МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ АЪЗОЛИГИГА НОМЗОД, СССР ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ БИРИНЧИ МУОВИНИ, ГЕНЕРАЛ-ПОЛКОВНИК.

ТАҲРИРИЯТДАН: «Театральная жизнь» ойномаси ўзининг тор доирадаги муштарийларига эга. Яқинда унда чоп этилган мусоҳаба билан танишишга барчанинг ҳам имконияти бўлмаса керак, деб ўйлаймиз. Муштарийларга ўз фикр-мулоҳазамизни тиқиштирмоқчи эмасмиз. Матбуотда кенг муҳокама этилган турғунлик йиллари «қаҳрамони»нинг нуқтаи назарини билиш ҳар бир киши учун қизиқ бўлса керак, деб ўйлаймиз. Бу фикр-мулоҳазалар жумҳуриятимизга ҳам тааллуқлидир.

Мусоҳабада ўз-ўзини фош этиш ва беихтиёр турғунлик отасининг руҳиятига мос иш тутиш ҳам бор. Бунда журналистнинг эмас, балки мусоҳаба бераётган кишининг нуқтаи назари муҳим. Унинг айтганига ишониш ёки ишонмаслик бизнинг ихтиёримизда.

А. Караулов. Мабодо, сиз бу мусоҳабани матбуотга чоп этишга имзоламасангиз ҳаммаси сирли иқрордек бўлиб қолаверади.

Ю. Чурбанов. Иқрор бўлиш қандай чиқишини кўрамиз...

А. К. Нима учун сиз журналистлар билан учрашишдан воз кечасиз? Сиз уларга ишонмаслигингизнинг асослари борми?

Ю. Ч. Гапни, эҳтимол бизнинг дастлабки учрашувимиздан бошлаш керак бўлар, ўшанда эсингизда бўлса бу ерда, «зона»да мен сизни яхши кутиб олмаган эдим.

А. К. Мен инсон сифатида сизни яхши тушунаман.

Ю. Ч. Ҳа. Мен ўқиган ўша материалларнинг жуда кўпи уйдирма. Юмшоқ қилиб айтганда шундай. Ҳар бир журналист шов-шувга интилишини тушунаман, бу журналистлик нони, лекин фактларнинг оёғини осмондан қилишдан, мақолаларда ҳар қанақанги зўрма-зўракиликка йўл қўйилганда, бу ифлос материал. Уни туҳмат деб аташ мумкин. Ҳаммаси «Огонёк»дан бошланди. Ёш Лиханов бутун бир туркумли материаллар чоп эттирди. Сиз биласизми, Андрей Викторович, у ерда ҳақиқат йўқ, «Огонёк» нимага умид қилди. Лиханов қандай материалларга эга бўлган, буни айтиш қийин. Лекин улар жамоатчиликнинг фикрини қўзғатди. Мақсадга эришилди. Бу «буюртма» материал бўлганлигига шубҳаланмайман. Кўпроқ агдар, биз бу гуноҳкор Чурбановни эзиб ташлаймиз, деб айтган экан киммдир. «Огонёк»дан кейин қўзиқорин мисоли бошқа материаллар ҳам чиқди.

А. К. Мен Дмитрий Лихановни яхши биламан, «Огонёк»да бирга ишлаганмиз. Мен унинг ҳамма материалларида умуман «ҳақиқат йўқ» эканлигига ишонгим келмайди. Сиз аниқ мисоллар билан гапиришга тайёрмисиз?

Ю. Ч. Мана шу материалга (кўз югуртириб чиқиш учун) қайтиш лозим. Бироқ у ҳозир қўлимда йўқ. Умумий тарзда шундай деб жавоб берган бўлардим: агар журналист ҳақиқатни билишни истаса мен билан ва менинг адвокатим Андрей Макаров билан учрашиши зарур эди.

А. К. Сиз шундай учрашувдан воз кечмаган бўлармидингиз?

Ю. Ч. Агар киши ҳалол қалам билан олдимга келса, воз кечмаган бўлардим. Кишиларда нафрат уйғотгандан кейин Чурбанов номига тупуриб, тузуккина мояна ишлаб олиш мумкин бўлиб қолди. Мақоланинг руҳидан кишини ҳукмга маҳкум этиш мақсадига эришиш (12 йил) сезилиб турганлигини гапираётганим йўқ. Р. Медведевнинг «Галина Брежневанинг ширин турмуши» ҳақидаги мақоласига алоҳида тўхталиш зарур: депутат Медведев сохта ахборотни тўғри деб беришдан уялмайди. Унга ким ахборот беради, мутлақо тушунарли эмас, менинг таржимаи ҳолимга ва рафиқамнинг таржимаи ҳолига тааллуқли бўлган ўринларни осонгина текшириб кўриш мумкин: масалан, мен ҳеч қачон милиция подполковниги бўлмаганман, Подмосковьеда туғилган эмасман, рафиқам Ленин ордени билан мукофотланмаган, номзодлик ва докторлик диссертацияларини ёқламаган. Ўз-ўзидан аёнки, филология фанлари доктори эмас. Фактларни бундай бузиб кўрсатиш кимга зарур, деб сўрагинг келади. Агар у инсоннинг жамоа фаолияти обрўли экан, агар у профессор — тарихчи экан, ҳар хил миш-миш «сўзларга» ишониши керакми? Рўзномалар эса туҳмат қилишда бир-бири билан гўёки мусобақалашяпти: Латвия ва Литва комсомол рўзномаларида, яна бири Украинада чоп этиляпти. Бу кишилар туҳматни муштарийларга сингдиришга шошилмаяптиларми? Бу кишининг нафсониятига тегмайдими? Ҳа, шубҳасиз. Мана шунинг учун ҳам журналистлар билан учрашувдан қочганман ва қочаман, сизга очиғини айтаман, улар билан учрашишга ҳеч қандай истагим йўқ. Биласанки, сен нимани гапирмагин, ҳаммасини оёғини осмондан қилишади.

А. К. Сиз бу мақолаларни шу ерда, колонияда олдингизми?

Ю. Ч. Ҳа. Улар янги, январь ва февралда ёзилган. Бизда ҳар бир зэк исталган рўзнома ва ойномага обуна бўлиш ҳуқуқига эга, бу ўқимишли «зона». Мен ҳаммасига обуна бўлмайман, албатта. Лекин 13-сон отрядимиздаги ҳукм қилинганлар обуна бўлган рўзномаларидан фойдаланаман — биз ҳамиша рўзномалардан олган таассуротларимизни баҳам кўрамиз. Бундан ташқари, менинг хизматда кўтарилишимни, ўзимнинг вазифаларимга ва ишга бўлган муносабатимни биладиган ўша ИИВдан ҳукм қилинган ходимлар ҳамиша менга: қандай қилиб шундай бемаъни нарсаларни ёзиш мумкин: — деб таажжубланиб айтишади.

А. К. Сиз ҳамма вақт фактлар сохталаштирилган деб такрорлайсиз. Бу журналист учун жиддий айбнома. Сиз Рой Медведевнинг мақоласидан бир неча мисол келтирдингиз, бироқ мақолалар кўп. Менимча, ё бу мавзуга тегмаслик зарур ёки аниқ гапириш керак.

Ю. Ч. Унда мен ҳаммаси қандай бўлганлигини ўзим шундай гапириб бераман, сиз эса рўзномаларда нима дейилган ва ишнинг реал аҳволи ўртасидаги фарқни менсиз ҳам ҳис қиласиз. Мени ҳибсга олиш 1987 йил 14 январда СССР Прокуратураси тергов қисмининг бошлиғи Каракозов Герман Петровичнинг хонасида содир бўлди. Шунинг арафасида биз ана шу куни соат 12 да учрашишга келишиб олган эдик. 14-да эрталаб биз яна қўнғироқлашдик, қисқаси, ким-кимга қўнғироқ қилганлиги ҳозир эсимда йўқ. Кундузи соат 12 да Прокуратурага келдим. Пастда мени алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчи Литвак кутиб олди. Сиртдан ёқимтой, ўрта бўйли киши. У очиқ чеҳра билан саломлашди ва биз иккинчи қаватга, Каракозовнинг қабулхонасига келдик. Мен шундай эшикни очишим билан икки ёш йигит истиқболимга кўтарилди ва деди: «Сиз қамоққа олиндингиз». Ўша ернинг ўзида, қабулхонада аёллар ҳам ўтиришарди. Билишимча, улар Прокуратура ходимлари эдилар; айтгандек, генерал-полковникни ҳибсга олишаётганида кўчада учраган ҳар бир кишини ҳам олиб келишмайди-да.

А. К. Сиз пенсияда эдингизми?

Ю. Ч. Ҳа, 50 ёшдан пенсияга чиққан эдим ва ҳибсга олинишим олдида СССР Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишладим. Мен чинакам генерал-полковник бўлганман, «Олимпиада-80» учун СССР Давлат мукофотининг лауреати унвонига эга бўлганман. Лекин терговчиларни мана шу ҳам тўхтатиб қололмади. Тортиб турувчи тасмани, бўйинбоғни ечиб олишди. Мана энди қўлларим билан иштонимни кўтариб, Каракозовнинг хонасига кирдим. Ўша ерда Гдлян билан Иванов ўтиришарди.

Бу ўринда бир чекиниш қилиш керак. Кейин биз яна 1987 йил 14 январга қайтамиз. Менинг барча машаққатларим 14 январда эмас, ундан бироз илгари бошланганди, Бухоро вилоят фирқа қўмитасининг биринчи котиби Каримов билан юзма-юз учраштиришда бўлгандим. Мен бу одам қамалганини билмасдим, деярлик эсимда ҳам йўқ эди, унинг исми ва шарифини Каракозов хонасида биринчи марта юзма-юз учраштирилганимдагина билдим. Каримов менга 1979 йилда Бухоронинг Газли шаҳрида бўлган пайтимда менга 10 минг сўм берганлигини айтди. Гангиб қолганлигим тушунарли бўлса керак: унда 1979 йил бўлса, ҳозир 1987 йил, Газлида бўлишим фақат уч соат билан чегараланган эди. Ҳақиқатан ҳам Бухорога учиб бориб, тайёрагоҳдан тўғри Газлига, у зилзиладан қандай кучли зарарланганлигини ва тиклаш ишлари қандай бораётганлигини кўриш учун йўл олгандим. Мен шаҳардаги дўконлардан бирининг олдида тўхтадим. Бу оддий шаҳар эмас, Газлидан Бухоро-Урал газ қувури — фаҳмлаяпсизми, Андрей Викторович, мен турган жойдан айни Урал тақдири бошланади. Менга бу ерда қандайдир бехосият рамз мавжудга ўхшайди. Лекин чалғитмайман. Айтгандек, Каримов ва шу ерда жазони ўтаётган Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи Норов билан биргаликда дўконга кирдик. Озиқ-овқат у ёқда турсин, балки сигареталарнинг хиллари ҳам пештахталарда етарли даражада йўқ эди. Шу пайт дўконга маҳаллий аҳоли кела бошлади, 150-200 кишили оломон тўпланди. Мен улардан қандай саволлар борлигини сўрадим. Хатти-ҳаракатидан дадил кўриниб турган бир рус аёли менга: «Ўртоқ генерал, сизни алдашаяпти, биз кўпдан буён гўштни кўрганимиз йўқ, баҳоси қиммат...» ва ҳоказолар деди. Уларнинг олдида шу заҳотиёқ Каримовга мурожаат қилиб, сўрайман: бу кишиларга ёрдам қилиш мумкин эмасми? У мени «Юрий Михайлович, бажарамиз», деб ишонтирди ва Бухорога қайтдик. Ўз-ўзидан аёнки, буни тезда эсимдан чиқариб юбордим. Тўсатдан эса, юзма-юз учраштирувда Каримов Газлида мен томонимдан дағалликка, қандайдир ҳурматсизликка йўл қўйганимни гапирди: у ўзини йўқотиб қўйган эмиш-у, жанжалга чек қўйиш учун менга ўн минг сўм чўзган эмиш. Шуни сизга айтишим керакки, Андрей Викторович, бу юзма-юз учраштириш Каракозовнинг катта тазйиқи остида борди, ҳеч қандай ёзиб олиш ёки протокол юритилмади. Ярим йил муқаддам Тошкент босқичида Каримов билан учрашишга тўғри келиб қолди: агар янглишмасам, у Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг собиқ ишлар бошқарувчиси Умаровнинг иши бўйича, мен эса бизда маҳбусларни ташийдиган «столипин» вагонида Навоий вилоят фирқа қўмитасининг собиқ биринчи котиби Есин иши бўйича борардим. Мана шунда Каримов юзма-юз учраштириш арафасида уни менга қарши кўрсатма беришга мажбур этишганлигини гапириб берди. Каримовнинг бўйнида эса бир неча миллион сўм катта «қарз» осилиб турарди. Бу миллионлар, яна ўша, Андрей Викторович, кўпиртирилган «миллионлар»дан бошқа нарса эмас, Каримов менга қисувга олинганлигини айтди. Нима учун айни мана шу суммани белгилашди? — деб сўрадим. Каримов ўн минг сўм тергов қисмида белгиланганини таъкидлади. Каримовнинг ишини ким олиб борганлигини айтишим қийин. Бунда Гдлян ва Ивановнинг қўли борлигига ҳеч қандай шубҳам йўқ. Ана шулар «ўзбек» иши, сўнг «Чурбанов» иши, кейин эса «Москва-Кремль» иши бўлди. Ҳозир эса мана кўриб турибсиз, воқеа жанжалли тус олди. «Москва-Кремль» иши дув тўкилиб кетди. Халқ хотирасида эса «Чурбанов» ва «ўзбек» иши қолди. Айтгандек, яқинда бизнинг колонияда ушланиб турган ва ўн йилга ҳукм қилинган генерал Норбўтаев ишини қайта кўриб чиқиш учун Тошкентга жўнатилди. Оқланиши ҳам мумкин. Норбўтаевнинг ўзи Гдлян ва Ивановнинг буйруғи билан Ўзбекистон ДҲҚсининг тергов турмасида узоқ муддат жиноятчилар билан бир камерада сақланган. Икки ой мобайнида у ҳожатхона тувагида овқатланган, ҳожатхонани тозалаган. Бу кекса инсоннинг тортган азоб-уқубатларини тасаввур қилиш қийин. Мана, орадан тўрт йил ўтди, унинг ишини қайта кўриб чиқишга чақиришди...

А. К. Гдлян ва Иванов сизга ҳам ўзларининг «услубларини» қўллашдими?

Ю. Ч. Жисмонан — йўқ, лекин... ундан беш баттарини такрор айтаман жисмонан йўқ, буни тан олиш керак. Аммо инсоний қадр-қимматни таҳқирлаш услублари, дастлабки тергов пайтидаёқ бошланди.

Биз яна 14 январга, ўша... кунга қайтайлик. Бўйинбоғ, шимни тортиб турадиган тасмамни ечиб ва иштонимни қўлларим билан кўтариб Каракозов, Гдлян, Иванов ва адлия полковниги Миртовларнинг нурли кўзлари олдида турдим. Мен ўшанда қандай қаттиқ руҳий зарба еган ҳолатда эканлигимни англаш мумкиндир, Андрей Викторович. Бир йўла ҳар ёқдан савол бериб, тергов қилиш бошланди. Кейин Гдлян қўлимга ручка, бир варақ қоғоз берди... Ўзимнинг шарикли ручкам, соатим ва запонкамни ҳам бир йўла мусодара қилишди... Менинг барча.... жиноятларим тўғрисида Бош прокурор Рекунков номига аризани менга тўғридан-тўғри айтиб турди.

А. К. У сизга пораларнинг миқдорини айтиб турдими?

Ю. Ч. Ҳа, мен кимдан қанча олганлигимни, (гўёки олган эмишман). Андрей Викторович. Мен техник ижрочи ролида эдим.

А. К. Демак, ёза бошладингиз?

Ю. Ч. Мен норозилик билдиришга уриниб кўрдим. Лекин улардан кимдир: шундай бўлгани яхши, деди... Булар олдида қаршилик кўрсатиш бефойда эди. Шундан кейин панадаги зина орқали ҳовлига олиб чиқишди, рафикка ўтқазишди. Икки ёнимда бармоқларимни маҳкам чангаллаб олган ёш йигитлар ўтиришди. СССР ДХҚнинг Лефортовск тергов изоляторига олиб боришди.

А. К. Айтганингиздек, Гдлян ва Ивановнинг айтиб туриши остида ўзингизга қандай айбларни ёздингиз?

Ю. Ч. Уларга зарур бўлган барчасини ёздим.

А. К. Масалан.

Ю. Ч. Мана бир ўзингиз тасаввур қилинг. Қандайдир тўла бўлмаган ўн кунда — 132 фамилия. Бу СССР Прокуратураси ва айни Гдлян ва Иванов қизиқиб қолган кишиларнинг исм-шарифлари.

А. К. Сиз эса ёза бошладингизми?

Ю. Ч. Уларнинг айтиб туриши остида ёза бошладим. Улар фамилияларни айтиб туришди, пулнинг миқдорини кўрсатишди — шундай қилиб, 1,5 миллион сўм ҳосил бўлди. Мен: «Шафқат қилинглар, булар қаердан келган пуллар? — дейман. Лекин менга яхшилаб тушунтириб қўйишди... Умуман мени алдашди. Мабодо, хотирам алдамаса, Герман Петрович, ҳатто ана шу пулларни қайтариб беришни ва ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолишини таклиф қилди.

А. К. Сиз буни исботлай оласизми?

(Давоми бор).

Хорижда хабарлар

ҚЎРФАЗДАГИ ТАНГЛИК

Араб раҳбарлари Форс кўрфазидаги можарони тинч йўл билан бартараф этишга қаттиқ ҳаракат қилишмоқда. МАЖ президенти Ҳ. Мубораннинг Қоҳи-
Саудия Арабистонининг ва-
рага келган ташқи ишлар се-
зири С. Ал Файсал билан сешанба куни бўлган учрашувида ху-
мазкур региондаги аҳвол Қу-
сусида гаплашиб олинди. Қувайт бош вазирининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Са-
Шайх Сабоқ ал Аҳмад ас Сабоҳ ҳам Миср президенти би-
лан маслаҳатлашиш мақсадида Қоҳирага келди. Бироқ, Миср
сиёсий кузатувчиларнинг таъ-
кидлашларича, араб раҳбарларининг можарони тинч ҳал
этиш борасидаги барча так-
лифлари шу вақтгача Ироқ ва унинг иттифоқчилари қаршилигига дуч келди.

Туркия Ироқ ҳарбий қўшин-
ларининг қўшимча қисмлари
унинг чегараларига ташлангани-
лиги тўғрисида илгари келган хабарларни тасдиқлади. Туркия маълумотларига қараганда, Ироқ кейинги кунларда чегара
ноҳияларига яна 40 мингга
яқин кишини жойлаштирган. Туркия миллий мудофаа вази-
ри С. Гирайнинг айтишича,
унинг мамлакати ўз мудофаа
қобилиятини мустаҳкамлаш учун
чора кўришга мажбур бўлмоқ-
да.

АҚШ мудофаа вазири Р. Чейни сешанба куни сенатнинг
қуролли кучлар ишлари қўмита-
сида сўзга чиқиб, Америка
қўшинлари «қанча вақт керак
бўлса, шунча вақтгача, вазият
юмшагунига қадар» Саудия
Арабистонида бўлишини айтди.
«Биз ҳар қандай шароитда
ҳаракат қилиш учун етарли
миқдорда қўшинларга эга бў-
лиш мақсадида уларни кўпай-
тириш зарур, деб ҳисоблай-
миз», — деб таъкидлади у.

(СИТА).

Телетайп лентасидан

● БЕЛГРАД. (СИТА мухбири **Александр Кондрашов**). Югославия халқлари шу йилнинг охиригача, улар федератив давлатда яшайдиларми ёки конфедератив давлатда яшашни хоҳлайдиларми ана шу референдумда ҳал қилишлари керак, деди ЮСФЖ президиумининг раиси Борисав Йович Белград телевидениеси орқали сўзлаган нутқида.

Югославия олий жамоа органининг бошлиғи ЮСФЖ президиуми шу йил октябрь ойининг бошларида ЮСФЖ скупшчинасига (парламентига) референдум ўтказиш тўғрисидаги таклифни қўйишини маълум қилди. Референдум тўғрисида сиёсий битимга келинган тақдирда скупшчина уни ўтказиш шартлари ҳақида қонун ҳужжати қабул қилади.

● ВАШИНГТОН. (СИТА мухбири **Александр Королев**). АҚШ давлат департаменти Либерия президенти Сэмюэль Доу вафот этганлиги ҳақидаги хабарни тасдиқлади. Бир кун олдин у ярадор қилинган ва Либерия исёнчилари тўдаларидан бирининг қўлига тушган эди.

«Ишончли турли манбалар президент Доу оламдан ўтганлигини хабар қилди», — деди давлат департаментининг расмий вакили Ричард Баучер. Шу билан бир вақтда у «Американинг Монровидаги элчихонаси ходимларидан бирортаси унинг жасадини кўргани йўқ», деб илова қилди.

Р. Баучер ушбу Африка мамлакатидаги ҳозирги вазиятни таърифлаб, яна «жуда чалкаш» деб илова қилди. Исёнчиларнинг иккала гуруҳи, шунингдек, Доунинг қолган кучлари ўзларини Либериянинг қонуний ҳукумати деб ҳисоблашмоқда. Бундан ташқари, ўтган ҳафтада Гамбияда Ғарбий Африка давлатлари иқтисодий ҳамжамиятлари ҳомийлигида ўтказилган Умумлиберия сиёсий конференцияси ўтиш ҳукумати тузилганлигини эълон қилди.

Р. Баучер АҚШ Ғарбий Африка давлатлари ташаббусини қўллаб-қувватлашни давом эттираётганлигини, бу ташаббусларнинг мақсади «Либерияда ўт очишни тўхтатиш, ўтиш даври ҳукуматини тузиш ва эркин демократик сайлов ўтказиш» эканлигини таъкидлади.

● БУЭНОС-АЙРЕС. (СИТА мухбири **Константин Серов**). Аргентина президенти Карлос Менем боргоҳидаги ўғирлик бу жумҳурият пойтахтида жиноятчилик даражаси тез ўсиб бораётганлигининг ёрқин мисолидир. Бу воқеада Буэнос-Айресдаги президент саройига суқилиб киришга ботинган ўғриларнинг дадиллигигина эмас, саройга кириш усули ҳам ҳайратга солади. Саройга кириш учун ўғрилар «пушти уй» деворини ярим метр диаметрда ўйганлар. Тўғри, уларнинг ҳисоблари нотўғри чиқиб, президент буфетига кириб қолганлар. Лекин уларнинг ҳафсаласи пир бўлмаган, ўғрилар қадимий қимматбаҳо идишларни, ошхона асбобларини ва маҳсулотларни — жами икки ярим миллион аустрал қийматли буюмларни олиб кетганлар.

Миллий гвардия, махсус хизмат ва полиция пухта қўриқлаб турадиган давлат бошлиғи боргоҳида бундай воқеа қандай содир бўлиши мумкин? Кечаси сарой деворини бузишаётганини нима учун ҳеч ким эшитмаган? Федерал ва муниципал полиция ҳозирча содир бўлган воқеани шарҳламаяпти.

(СИТА).



Итингизни йўқотиб қўйдингизми? Асло ташвишланманг, уни бирпасда топиб беришади. Дарвоқе, Американинг Калифорния штатидаги «Инфопет» электрон фирмаси итини йўқотиб қўйган кўплаб кишиларнинг мушкулини осон этмоқда. Фирма муҳандислари томонидан яратилган махсус юпқа микроқисм итнинг оёғига тикиб қўйилади. Микроқисмда ит ва унинг эгаси ҳақида тўлиқ маълумот ёзилган. Адашиб қолган итни полиция «асирга» олиб, махсус қўриқхонага ёки полиция маҳкамасига келтиради, микроқисмдаги маълумотлар ўрганилади, шу тариқа ит унинг эгасига қайтарилади. Ҳозир кўплаб америкаликлар ана шу усулдан фойдаланишмоқда. Хизмат ҳақи унчалик қиммат эмас. Борйўғи 40 доллар, холос.

СУРАТДА: хўжайиннинг илтимосига биноан микроқисм жойлаштирилиши олдидан итга кўрсатилмоқда.

СИТА суратхроникаси.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЙЎЛИ ТОПИЛДИ

● ЯНГИ ЗЕЛАНДИЯДАГИ паррандаларни қайта ишлаш фирмаси мутахассислари талвасага тушган уй паррандасининг қичқириғини магнит лентасига ёзиб олдилар. Буни эса уй паррандаларини боқувчи фермерлар жон-дили билан сотиб олишмоқда, чунки лента уларга ёрдам бермоқда, яъни қанотли дўстлар ўртасида «жанг» бошланса, ўша овозни қўйишади, қарабсизки, паррандалар тинчланиб, тартибга тушиб қолишади, дейилади Олмония (Германия) Федератив Жумҳуриятининг «Бильд» рўзномасидаги хабарда.

ҲАЙВОН ЮРАГИ БИЛАН

● ЗАБЖЕ шаҳридаги (Польша) касалхоналардан бирида 34 ёшли кишига дунёда биринчи марта чўчқа юраги ўрнатилди. Бироқ операциядан кейин 4 соат ўтгач, қон етишмаганлиги сабабли бемор вафот этди.

Булғориянинг «Фан ва техника» ойномасида ёзишларича, шу вақтгача дунёда шунга ўхшаш 6 та операция ўтказилган. Уларда қўй юраги, маймун ва бошқаларники одамларга ўрнатилган. Албатта, беморни сақлаб қолиш илинжида. Лекин, улар ҳам кўпи билан 4 кеча-кундуз яшаган, холос. Бунинг сири ўрганилмоқда.

5279 КИШИЛИК РАҚС

● НЬЮ-ЙОРКДА шундай анъана бор, унинг номи «Трэп-о-мэниа», яъни «чечеткомания». Ҳар йили Нью-Йоркдаги машҳур «Эмпайр стейт билдинг» осмонўпар биносининг қарама-қаршисида жойлашган 34-кўчада Американинг турли бурчагидан ўз ҳисобига келган рақс шинавандаларининг анъанавий байрами бўлади. Бу йил ҳам обҳавонинг иссиқ ва дим бўлишига қарамай, байрамда қатнашувчилар сони рекорд натижага етди.

Аввалги йили 4877 киши рақсда қатнашган бўлса, бу йил эса 14 ёшдан 84 ёшгача бўлган 5279 нафар одам иштирок этди. Қизиғи шундаки, уларнинг бари бир хил — жигарранг майка билан оқ шляпа кийиб олишган эди.

«Обуна — 91»

Диққат, янги нашр: «Мулоқот»

Келгуси йилнинг январидан бошлаб Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг нашри сифатида «Мулоқот» ойномаси чоп этилади. Айни кунларда бу оммавий, ижтимоий-сиёсий ва бадиий-публицистик нашрга обуна бошланган. Мухбиримиз ойноманинг бош муҳаррири Барот БОЙҚОБИЛОВ билан учрашиб, янги матбуот нашри ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Аввало шуни таъкидлаш лозимки, янги ойнома муштарийлар учун шу куннинг долзарб масалалари бўйича барча муаммоларга ўз нуқтаи назарини билдиришга имкон яратиб, энг муҳим масалалар борасидаги қарашларни бирбирига солиштиришга, аҳолининг турли табақаларига мансуб шахсларнинг ҳамда кенг жамоатчилик фикрини ойдинлаштиришга мўлжалланган. Ойноманинг мақсади — сиёсий турмушнинг хилма-хил шаклларини ёритишдан, қайта қуришга амалий муносабатларни фаол шакллантиришдан, фирқа, шўро ва турли жамоа ташкилотлари фаолиятининг долзарб муаммолари юзасидан танқидий таҳлиллар ва амалий таклифларни, муқобил нуқтаи назарни эълон қилишдан иборатдир. Шунингдек, унда сиёсий ва иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш, демократия, миллатлараро муносабатларни, маданиятни ривожлантириш, жамиятда маънавий бойликни соғломлаштириш билан боғлиқ бўлган жараёнларнинг қандай кечаётганлиги мунтазам акс эттирилиб борилади.

— Муштарийларда «Мулоқот» асосан қайси доирадаги ўқувчиларга мўлжалланган, қолаверса, ҳозир чоп этилаётган ва келгуси йил бошидан тўхталиши кўзда тутилган «Партия турмуши» ва «Ўзбекистон агитатори» каби назарий ойномаларни такрорлаб қолмайдими, деган ҳақли савол туғилиши табиий...

— Бу фикрингизда жон бор. Чунки шу йилнинг бошидан бери нашр қилинаётган Бутуниттифоқ «Диалог» ойномаси кўпроқ назарий масалаларни ёритишга мўлжалланганини ўқувчилар англаб етишди. Шу боис кўпчиликда ўзбек тилида чоп этиладиган шу номдаги матбуот нашри ҳам ўз қамровини чегаралаб олмасмикан, деган фикр туғилиши мумкин. Аслида «Мулоқот» кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган бўлиб, муштарийларни ҳозирги шароитда жамиятимиз иқтисодиётида, сиёсатида, ижтимоий турмушида, маданиятида юз бераётган мураккаб ва бир-бирига зид жараёнларни яхшироқ тушуниб етишга хизмат қилади.

Айни вақтда кўтарилаётган масалаларни мақсадсиз, шунчаки муҳокама этиш билан кифояланишига йўл қўйилмайди. Ўзини кўрсатишга, қизил ва ўткинчи мулоҳазалар билан бошқаларнинг диққатини ўзига тортишга интилиш фикри қўллаб-қувватланмайди. Ойнома ҳар қандай жонли мулоқотда, тортишув, мунозарада ўз қарашлари аниқ билиниб туришига асосланган таклифлар киритилишига интилади.

— Янги ойноманинг муаллифлари ҳақида ҳам икки оғиз тўхталсангиз...

— Юқорида айтганимдек, «Мулоқот» кенг меҳнаткашлар омаси минбари бўлишига эришмоқ даркор. Шу боис долзарб мавзуларни кўтариб чиқа оладиган барча қаламкашларни, айниқса, ёш ижодкорларни биз билан ҳамкорлик қилишга чақирамиз. Ҳар бир муаллифнинг шахсий фикри ва ўз овози сақланиб қолинади. Ўз-ўзидан ойноманинг яратувчилари орасида турли касб эгалари бўлишига эътибор қаратилади. «Мулоқот» ҳамма бир фикрга бўйсунадиган бир томонлама эмас, балки турли хил қарашлар, баҳслар ва баҳоларни чоп этиш ҳисобига ўз муштарийлари сонини кўпайтириб боради.

— Албатта, айни мураккаб даврда, аниқроғи рўзнома ва ойномаларнинг обуна баҳоси, босмахона харажатлари, қоғоз нархи ошиб бораётган бир вақтда чоп этиладиган «Мулоқот»нинг бошқа матбуот нашрларидан ажралиб туриши учун нималарга кўпроқ эътиборни қаратиш кераклиги хусусида унинг бўлажак муштарийлари ўз фикрлари билан ўртоқлашишлари мумкинми!

— Мен сизни тушундим. Янги ойномага қизиқиш билан қараётганлар Тошкент шаҳар, «Правда» рўзномаси кўчасининг 41-уйидаги манзилгоҳимизга шахсан ёки хат орқали мурожаат этишлари мумкин. Энг, аввало, барча муштарийларни ойнома учун обуна бўлишга чақирамиз. Унинг бир сони 60 тийин туради. Бир йиллик обуна баҳоси 7 сўм 20 тийин. Агар янги йилдан бошлаб «Мулоқот» доимо ҳамроҳингиз бўлишини истасангиз, унга ўз вақтида ёзилинг. Жумҳуриятимиз ва ундан ташқаридаги барча алоқа бўлимларида янги ойнома учун обуна қабул қилинмоқда. Биз эса сизнинг ишончингизни оқлашга ҳаракат қилиб, бу борада билим ва кучимизни асло аямаймиз.

И. УСМОНОВ.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига номзодлар

«УЧ ОҒАЙНИ БОТИРЛАР...»

Бир пайтлар бирор киши ҳақида ёзилган мақола ёки очеркларда, «у фалон-фалон орденлар нишондори», «фалон мукофот соҳиби» ёки «Қаҳрамон» каби дабдабали сўзлар билан бошланар ёки тугатиларди. У ўша фалон-фалон нишонларга қандай қилиб эришганлиги, тумтароқ мақтовлар остида қолиб кетаверарди. У «қаҳрамонлик»ни ҳалол меҳнати билан олган бўлса хўп-хўп. Агар таниш-билиш қилиб олган бўлса-чи? Ўша мақола ёки очеркни ўқиган муштарий, «қаҳрамон» шахсни танигса, у қандай қилиб, ва ким билан «қаҳрамон» бўлганини билса, дунёда ҳақиқат йўқлигига яна бир бор имон келтирарди-ю, жуда бўлмаса бир бўралаб сўкиниб оларди-да, қўлидаги газетани ғижимлаб ташларди. У бу нотўғри жанлигини айтмасди. Айтолмасди. Айтган тақдирдаям фойдаси йўқ эканлигини биларди...

Ана шундай қилиб бизнинг олий ҳукуматимизнинг олий нишонлари-ю, олий унвонларининг қанча-қанчаси, ким-кимларга сотилди, дўст-ёрларга совға сифатида улашилди. Ўша мукофотларнинг ҳақиқий эгалари бўлган, юрт деб, эл деб, миллат деб жон койитган фидойи инсонлар эса, кўпинча ёнғоқ остидан ўсиб чиққан майсадек сояда қолиб кетаверди. Лекин фидойи инсонлар ҳеч қачон нимжон майсадек қуриб қолмайдилар. Агар бирини қуритишса, ўрнига иккинчиси бош кўтараверади. Улар ёруғ кунлар келишини кутиб яшадилар, фақат ва фақат ҳақиқатга суяндилар.

Юқорида гапни унвону-мукофотларга эга чиққан олғирлар ҳақида бошлаган эдик. Эга бўлиши керак бўлган фидойилар ҳақида гапирдик. Яна мавзуга қайтсак. Яқинда Ўзбекистон Ленин Комсомоли мукофоти соҳиблигига номзодлар кўрсатиш бошланди. Ҳар бир соҳа бўйича кўрсатилган номзодларнинг қай бирлари ушбу мукофотга лойиқ эканини, номзод кўрсатган жамоа, қолаверса, муносиб номзодларни танлаш учун тузилган нуфузли комиссия ҳал қилади. Биз эса азиз муштарийларимизни, жумҳуриятимизда маданият ишларини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган, ёшларимизда ўз-ўзига ишонч руҳини, ижодкорлик руҳини уйғотиш ҳаракатида бўлган ва шу сабаб ўз жамоаларида Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига лойиқ топилиб, номзодлари тавсия этилган «уч оғайни ботир»лар ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. Келинг, аввал ҳар бир номзод ҳақида алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтайлик.

БИРИНЧИ НОМЗОД: Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтининг, оммавий томошалар режиссураси ва халқ ижодиёти кафедрасининг доценти, педагогика фанлари номзоди, СССР Театр арбоблари уюшмасининг аъзоси Бахтиёр Сайфуллаев.

Ута жонкуяр инсон. Қаерда бир янгилик бўлса, ўша ерда, албатта, Бахтиёр ака ҳам бўлади. Ўтган йили «Камолот-89» кўрик-конкурсини ўтказиш режалаштирилаётган пайтлар эди. Бир даврада ўтказилажак кўрик ҳақида гап кетди. Даврадошлардан бири: «Нима кераги бор ортиқча овворагарчиликнинг? Беллашувни ўтказдик ҳам, ўтказмадик нима. Барибир ҳеч нарса ўзгариб қолмайди-ку», деганга ўхшаш гап қилди. Бахтиёр ака куйиб-пишиб, «Камолот-89»нинг кераклигини исботлашга тушиб кетди. Менга ҳам унинг фикрлари жўялидек туюлди. Рост-да, ҳадеб истеъдодли ёшлар камайиб кетаётганидан нолиймиз, борини тақлидчиликда айблаймиз, классикадан йироқ деймиз, шовқинли мусиқага ўч деймиз, бироқ бу масаланинг туб илдизи нимага бориб тақалиши билан қизиқиб кўрмаймиз. Бахтиёр ака айтмоқчи: «Бизда иқтидорлар етарлича бор. Фақат уларни тарбиялайдиган муҳит, кашф қилиш учун жон койитадиган ташкилот йўқ. Ҳамма ўз дарди билан. Радио ва ойнаи жаҳон қошида «оқсоқол»лардан иборат комиссия ишлайди. Агар ёш хонанда уларга ёқса — марҳамат. Унга ҳамма эшиклар ланг очиқ. Ёқмай қолса-чи? Торини елкасига солиб келган йўлга равона бўлади. Менимча, бу беллашув чет эллардан ва ноҳияларимиздаги ёшларимизни кашф қилишимиз учун ҳам керак. Биласизлар, бизнинг ёшларимиз, айниқса, қишлоқ ёшларида, андиша туйғуси жуда кучли. Ҳар қанча кучли овози ва фикри бўлса ҳам, улар сиз билан саҳнага дадил чиқиб кета олмайдилар. Қани энди ёш санъаткорларимиз ўзларидаги андишанинг ёнига озгина ҳур фикрлилик, дадиллик, ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қила олишдек хислатларни мужассам қилишса. «Камолот-89» ана шу йўналишда ҳам хизмат қилиши керак».

«Санъат — халқникидир» деган ақида бор. Ахир эшитадиган қўшиғимизни кимдир белгилаб берар экан, у қандай қилиб бизники, яъни халқники бўлсин. Халққа минг марта буни эшитма, мана бунисини эшит деб қулоғига қўйсангиз ҳам барибир, ўзига ёққанини эшитаверади. Ана шу элга ёқадиган овозларни кашф этиш учун Бахтиёр акадек эл ичида юрадиган, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлайдиганлар керак.

ИККИНЧИ НОМЗОД: Жумҳурият комсомоли Марказий Қўмитаси «Ёшлар уйи» директорининг оммавий-маданий ишлар бўйича ўринбосари Олимжон Муҳиддинов.

Мен Олим ака билан бундан икки йил олдин танишган эдим. Ўшанда «Ёш ленинчи» рўзномаси қошида ташкил этилган «Шуъла» адабий уюшмаси жумҳурият «Ёшлар уйи»даги бошпанасидан ажралиб, кўчада қолган, гап уни жой билан таъминлаш эмас, тарқатиб юбориш ҳақида борган эди. Олим ака уюшмани тарқатиб юбормаслик учун ҳаракат қилиб юрганлар орасида бор эди. «Қизиқ, — деганди ўшанда Олим ака. — Ахир бу Ўзбекистон ёш ижодкорлари уйи бўлса. Ана шу ижодкорлар уйида якка-ю ёлғиз «Шуъла» адабий уюшмаси ўзбек тилида машғулот олиб борса-ю, шуни ҳам жой билан таъминлай олмасак. Ёлғиз миллий уюшмани тарқатиб юборгандан кўра, «Ёшлар уйи»ни тарқатиб юборган маъқул эмасми?»

У ниятига эришмай қўймади. Уюшма сақлаб ҳам қолинди. Жой билан ҳам таъминланди. Ким нима деса десин-у, мен ана шундай қатъиятли инсонлар борлигига шукр қиламан.

УЧИНЧИ НОМЗОД: Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтининг оммавий томошалар режиссураси ва халқ ижодиёти кафедрасининг катта ўқитувчиси Шеркон Қодирий.

Маълумингиз бўлган Қодирийлар сулоласининг вакили. Бобоси Абдулла, отаси Ҳабибулла Қодирийларнинг курашчанлик, ҳақиқатгўйлик каби одатларини ўзида жамлаган. «Етар шу кунгача мулойимлик, андишалилик қилиб, оғзимиздагини ўзгаларга олдириб келганимиз», деб қўйди суҳбатлашганимизда.

Шеркон акани ҳамиша қаергадир шошиб кетаётганда учратаман. Бир сафар «Оламда нима гаплар?», — деб сўрасам, «Муҳаммад Юсуфнинг «Қора қуёш» достонини саҳналаштирсамми, деб юрибман», деб қолдилар. Орадан бир қанча вақт ўтиб яна кўришиб қолдик. «Эртага институт саҳнасида «Қора қуёш»ни қўямиз. Томошага боринг». Бордим. Бир сўз билан айтганда «даҳшат»! Саҳна асари 37-йиллар даҳшатини шундай кўз олдингизга келтириб қўйди. Саҳнада Сталин шахсига сиғиниш оқибатлари, қатағонга учраганлар, уларнинг ортидан чирқираб қолган бола-чақаси, қариндош-уруғларининг аҳволи шундай уйғунлашиб кетганки, беихтиёр ўзингизни улар билан бирга умргузаронлик қилгандай ҳис қила бошлайсиз. Албатта, бу режиссёрдан улкан истеъдод, катта маҳорат талаб қилади. Институт жамоаси Шеркон Қодирийнинг номзодини комсомол мукофотига кўрсатган тавсияномадаги ушбу сўзлар ҳам бежиз бўлмаса керак. «У жумҳуриятимиздаги умидли режиссёрлардан биридир».

Энди уларни нима учун «уч оғайни ботирлар», деб атаганимизга келсак. Аввало уларни комсомол мукофотига номзод қилиб кўрсатилишига 1987-1990 йиллардаги жумҳурият миқёсида қилган ишлари сабаб бўлди. Уларнинг изланишлари, интилишлари бир ердан чиқади, шекилли. Биргаликда «Тожикистон ва Ўзбекистон ёшлари фестивали», «Қизиқчи-89», «Қизиқчи-90», «Камолот-89», «Нафосат-90», «Ўзбекистон маликаси», «Тошкент гўзали-89» каби бир қатор кўрик ва тадбирларни жумҳуриятимизда биринчи қалдирғочлардан бўлиб тайёрлашга ҳисса қўшдилар. Тингловчининг, томошабиннинг қалбига, демакки, халқнинг қалбига ўзларининг турли-туман тадбирлари билан кириб бора олдилар. Ана шу изланишларнинг, интилишларнинг меваси ўлароқ, уч ўртоқнинг номзоди, жумҳурият Ленин комсомоли мукофотига тавсия этилди. Биз эса рўзномамиз муштарийлари номидан «уч оғайни ботирлар»га ўзларининг ижодий ишларида қанот, меҳнатларига яраша мукофот соҳиби бўлишларига тилакдош бўлиб қоламиз.

Ислом ҲАМРО.



СУРАТДА: Бахтиёр Сайфуллаев, Шеркон Қодирий (ўртада), Олимжон Муҳиддиновлар.

Бизни ўйлантираётган муаммолар

Ҳалокат ёқаси...

«...Фарғонада тўққиз ёшли қизалоқ номусини топтабдилар... Аҳволи оғирмиш. Қабиҳ шахс эса изсиз кетган...» Миш-мишларга аниқлик киритиш мақсадида жиноят тафсилотини суриштирдим. Марғилон шаҳар прокуратурасининг катта терговчиси Ҳабибулло Мирзараҳимов билан бўлган қисқагина суҳбатда воқеа чиндан содир бўлганига амин бўлдим. Демак, яна бир изтироб учқуни юракларни куйдириб, кўз ёшлари яна ғам илдизини кўкартирган.

«АН-24»нинг ихчам пиллапояларидан кўтарилаяпман-у ўша бахти қаронинг мушфиқ ота-онаси, қавму қариндоши кўз олдимга келади. Тўққиз ою тўққиз кун онажонисининг юрак қатида тирикликка даъвогарлик қилган, тўққиз йил эса ота белига қувват, волида юзига шодлик бағишлаган фарзанд бугун ўлим тўшагида ётса... Ё раб, дея ҳайқиргинг келади...

Эҳтирос ва ҳаяжонлар бекорлигига иқроринг тўкис. Кўз ёши қуриганларга тасалли бериш, уларни юпатиш ва кўнгил сўраш ҳам оғир. Юқорида шаҳар ички ишлар ходимларининг барчаси оёққа турган бўлса-да, излар топилмаганлигини айтдик. Ҳодиса шаҳарга кечки салқин тушганда рўй берган бўлсада, ҳеч ким «роль» ижрочиларини учратмаган. Айтишларича, (шунга ҳам шукр!) жиноятчи қизни мотоциклда ўғирлаб кетган эмиш. Тилимиз, юрагимиз бутунлай қотиб қолмабди-ку, дея ўз-ўзингга тасалли берасан. Аслида-чи? Бефарқлик, ўзгалар дардига бўлган лоқайдликнинг ғолибона қаҳ-қаҳаси баралла янграётганидан юрак эзилади.

Марғилонлик даволовчи врач Набижон Мирзаганиевнинг айтишича, жабрланганнинг ички органлари оғир жароҳатланганмиш...

Ҳа, чиндан ҳам жиноятчилик олами келтираётган жароҳатлар кўлами бугун мислсиз. Жамоатчилик эса ҳозирча унинг олдини олишга ожизлик қилмоқда. Ҳ. Мирзараҳимовнинг таъкидлашича, шаҳарда умумий жиноятлар сони йилдан-йилга ўсмоқда. — Афсуски, бу ўсиш биргина Фарғонада ёки жумҳуриятдагина эмас, бутун Иттифоқда шундай...

Статистика маълумотларига эътибор беринг. Ўтган йили Иттифоқ бўйича 22 минг номусга тажовуз этиш ҳоллари қайд этилган. Бу кўрсаткич 1988 йилга нисбатан 24 фоиз ортиқдир. Кўриниб турибдики, жиноятнинг мазкур тури мамлакатда «беш йиллик» планларини ҳам ортда қолдирмоқда. Сонлар, ўсиш кўрсаткичларининг нисбатларини қоғозга тушираяпман-у. ҳар бир рақам замирида ФОЖИА, инсониятнинг маънавий ожизлиги балқиб турганини ҳис этаман.

СССР Ички ишлар вазирлиги ходимлари билан бўлган бир учрашувда кейинги икки йил мобайнида беш минг аёл фоҳишаликда айбланиб, жазолангани айтилади. Ҳар ўнтадан биттаси балоғат ёшига етмаганлар. Беҳаёлик, ҳайвоний ҳирс, кишиларни жиноят остонаси сари етакламоқда. Хўш, бунга сабаб нима? Бугун серғалва тайёрагоҳлару, сершовқин темир йўл вокзаллари биносида, турли ярмарка ва ширкатчилик савдо шохобчаларида яланғоч аёллар суратлари очиқ сотилмоқда. Кўплар буни маданият тараққиётига йўймоқдалар. Видеосалонларда ўн саккиз ёшгача бўлган ўсмирлар хорижий фильмлардан «маънавий» «озуқа» олмоқдалар. Бу ҳол оддий кинотеатрларда ҳам аллақачон ўз тараққиёт поғонасига кўтарилган. «Ўн олти ёшгача бўлганлар киритилмайди...» Мазкур ёзувга ҳар куни тўқнаш келамиз. Режа кетидан қувган киночиларимиз эса бунинг маъносига ва оғир оқибатига қаратилган эътиборни «маданиятсизлик»ка йўймоқдалар. Маданият ва тараққиёт «юраги» саналмиш Москвада фоҳишалар сони бир йилда 100 тага ортганлиги бугун ҳеч кимни ҳайратга солмаётир. Бу яна махсус маҳкамалар томонидан қайд этилгани, холос.

Жиноятнинг ватани, миллати бўлмайди... У бугун ўз фаолиятини очиқ кўз-кўз қилмоқда. Жиноят... Биз — совет кишилари бир неча ўн йиллар давомида ана шу сўз замиридаги иллатни жамиятга ёт санаб келдик. Бунга ўз-ўзимизни ишонтирдик. Ва маълум даражада мақсадга эришдик. Ёш авлод, келажагимиз беғубор ўсаётганлигига шубҳаланганлар овозини бўғдик. 1989 йил (бор-йўғи 365 кун аввал!) ана шу авлод вакиллари қўли билан 4.156 та ўсмир қиз номуси таҳқирланиб, келажаги тул этилган. Жиноятларга асосан мастликда қўл урилаётгани ачинарлидир. Чиндан ҳам ўсмирлар орасида спиртли ичимликларга ва наркотикага ружу қўяётганлар сони кун сайин ортмоқда. Марказий матбуотда таъкидланишича, бу иллат қопқонига тушган энг ёш шахс Иттифоқда тўққиз ёшда экан. Совет мактабига ўқувчи етти ёшдан қабул қилинади. Демак, у эндигина иккинчи синфга қадам қўйган. Келтирилган далил ҳар қанча ғайритабиий бўлмасин, ўқувчи бундан ҳайратга тушмайди...

Бундан икки йил олдин бир қария ўз набирасига, ўғлим бемаҳалда юрманг, ҳар қалай замон нотинч, деса фарзанди кулиб: ота, мен комсомол фаолларидаиман, социализмдан нотинчлик йироқ, деган экан. Мен куни-кеча ўша йигитнинг афсусига шерик бўлдим-у, унинг тенгқурлари ижросида рўй берган бир қотиллик ёдимга тушди. Талабалар ётоқхонасига йигитлар икки қизни меҳмонга чақиришади. Базм авж палласига чиққач, мезбонларнинг асл мақсадлари очилади. Улар қаршилик қилган қизларни хумордан чиққунча калтаклайдилар... ва мақсадларига эришадилар. Ҳолдан тойган қизларни у хонадан бунисига судрашади. Томошага қўшни хонадаги йигитлар йиғилади. Айримлари эса қулай имкониятдан фойдаланадилар ҳам... Бу мудҳиш жараён роппа роса 24 соат давом этади.

Жиноятчиликнинг 24 соатлик қаҳ-қаҳасига бефарқлик қарсак чалади. Эътиборсизлик ожизликка йўл беради. Бу воқеа Ўзбекистонда рўй бермаган-ку, дея овунмаслик керак. Кейинги бир йилда жумҳуриятимизда 557 хотин-қиз номусига тажовуз қилинди. Балоғат ёшига етмаган 4224 ўсмир жиноятга қўл урган. Пойтахтимизда рўй бераётган босқинчиликларнинг 99, талон-тарож ва ўғирликнинг 47, хотин-қизлар номусига тегишнинг 56,2 фоизи ёшлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Сотувчи харидор ҳақига хиёнат қилса, жиноятчи саналади. Бугун ҳар бир шаҳар ва шаҳар миқёсидаги ноҳияларнинг ўз «қора» бозорлари бор. Шак-шубҳасиз бу ерлар жиноятчилик уяси. Маош билан кун кечира олмаётган тенгдошларим қасддан ўғирликка қўл урмоқдалар. Иқтисодий қашшоқлик уларни қора курсига ўтқазаётир. Ишсизлик эса бунга янада мустаҳкамроқ замин яратмоқда. Наркотик моддаларга ружу қўяётганларни бугун қамоқхоналар билан қўрқитмоқчимиз. Негадир уларни даволаш, тўғри йўлга солиш ҳақида кам бош қотирилмоқда. Хорижий ўлкаларда эса бу йўлдан самарали фойдаланилмоқда.

Биз видеосалонларни ҳар қанча танқид қилмайлик, уларга омма ширинликка ёпишгандек ташланмоқда. Балки шунинг учун ҳам видеоқурилмалар 1989 йилда 125 мингта ишлаб чиқарилган бўлса, 1995 йили бу кўрсаткич 2 миллионтага етказилмоқчи. Демак, бундай юзаки танқид билан кутилган натижага эришиб бўлмаслиги аён.

Миллий тарбияни ривожлантириш билангина жумҳуриятдаги муҳитни ўнглаш мумкин. Бугун матбуотимизда тан олинаётган ушбу фикрга қўшилмай иложи йўқ. Яқин-яқинларгача ерга тушган нон ушоғини кўзга суртиб, олиб қўярдик. Бугун ахлатхоналардаги нон уюмларини кўриб, ажабланмаймиз. Ўзбекона урф-одатлар унутилмоқда. Тўй, турли маъракалар «сифатини» тортилган ичимлик сони белгиламоқда. Ҳатто ўлим юз берган айрим хонадонларда ҳам маишатга йўл қўйилаётганини эшитиб даҳшатга тушасан. Мактабларда адабиёт, она тили фанларига жуда қисқа соатлар ажратилгани маданиятсизлик, маънавий қашшоқликка йўл очди. Яхшиямки, жумҳуриятда қабул қилинган тил тўғрисидаги Қонун мазкур нуқсонлар илдизига болта урди.

Авлодларимиз муқаддас билган анъаналарнинг унутилгани қимматга тушди. Ёш келинлар алла айтишни эсдан чиқардилар. Ҳалокат ёқаси... Гўё бизни — бу қўрқинчли манзилга хотирамизни ўчирганлар олиб келганга ўхшайди. Муаллиф кимни назарда тутаётир, дегувчиларга жавоб бера қолай. Ҳар қандай келажак ўтмиш пойдевори устига қурилади. Биз эса ана шу муқаддас заминдан четдаги кишиларига ўхшаймиз. Шунинг учун ҳам гоҳ жалада, гоҳ жазирамада кун кечираяпмиз... Демак, эски, ўтмиш пойдеворига қайтадан ғишт тахлашнинг имконини ҳали йўқотмаганмиз.

Мақолани жиноят оқибатларидан бошлаб бошқа мавзуга «сакраганимиз» йўқ. Фақат ҳар бир жиноятнинг жиноятчисини эмас, унинг асл илдизига эътибор беришнинг мавриди етди, демоқчимиз. Сотувчини жазолашдан илгари унинг нима учун шу йўлга кирганини ҳам суриштириш вазифамиз. Йўл четидаги бир туп ниҳолни синдирган болакайни уришамизу, қуппа-кундузи норасида қизалоқни ўғирлаб кетаётганларни кўрмаганга оламиз. Нега шундай? Эртага ўз фарзандларимиз (худо сақласину) шундай вазиятга тушишини қачон ўйлаб кўрамиз? Бирлашган ўзар, дейди халқимиз. Ўғри қўнғироқ қилиб машина эгасидан пул талаб қилса, сукут сақлаймиз. Фарзандни қутқармоқ учун қарз кўтарилса, тириклик учун ҳақ тўланса... Лоқайдлик ҳам шунчалик бўладими? Хўш, бу хатарли муносабатнинг чеки борми ўзи? Тузалиб бўлмайдиган хатолардан йирик иллатларга ўтиш осон. Ҳа, биз ҳали йирик иллатгача етиб бормадик. Демак ҳалокат ёқасидан қайтишга имкон бор.

Келажак ёш авлодники... Ҳақ гап. Эртага жамиятни у катта авлоддан қабул қилиб олади. Хўш, бунга у қодирмикан? 20 миллиондан ортиқ аҳоли кун кечираётган жумҳуриятимизда минг-минглаб оқил фарзандлар борлиги бу саволга ижобий жавоб бера олади. Лекин бу билан масъулият юки енгиллашмайди. Юзлаб болалар уйлари, ота-онасиз чақалоқлар улғаяётган даргоҳларнинг тобора ортиб бораётганини эътиборга олмаслик мумкин эмас.

Жумҳурият Президентининг мактаб, маориф ва таълим-тарбияга оид Фармони ўз вақтида эълон қилинганини афсуски кўпчилик тушуниб етмаётир.

Ҳануз ёш авлод тарбиясига нисбатан носамимий муносабатда бўлинмоқда. Оқибатда ўсмирлар орасидаги жиноятлар сони камаймаётир.

Ўрта Осиё транспорти ички ишлар бошқармаси профилактика бўлимининг бошлиғи, милиция подполковниги В. Г. Белковнинг таҳририятга йўллаган мактубида айтилишича, сўнгги етти ой мобайнида 34 минг квадрат метр ҳажмда ҳаракатдаги поезд вагонларининг ойнаси синдирилган. Нима бу тарбиясизликми? Ёки оддийгина шўхликми? Ота-оналарнинг бефарқлиги оқибатида рўй бераётган бундай «шўхлик» оқибатида йўловчилар тан жароҳати олмоқдалар, бир сўз билан айтганда, яна жиноятчилик қурбони бўлмоқдалар. Биз ҳуқуқий давлат сари одимламоқдамиз. Эркин фикрга, ошкораликка ҳамнафас қадамларимизни ҳар қанча олқишламайлик, аввало эртанги кун кишилари тақдирига лоқайд муносабатимиз барча эришилган ва эришилаётган ютуқларимизни чил-парчин қилади. Бу эса том маънодаги кечириб бўлмас жиноятдир.

М. АБДУРАҲМОНОВ.

Савол беринг

Энг узун сочли ким?

Маълумки, ўзбек қизлари ўзларининг узун ва қирқ кокил қилиб ўрилган сочлари билан ҳамиша фахрланиб келишган. Лекин бу кейинги пайтларда жуда камдан-кам учрайдиган воқеага айланиб қолган бўлса ҳам узун сочли қизлар учраб туришади. Узун сочли аёллар ўртасида ҳам мусобақалар ўтказиладими?

Д. ШОКИРОВА.

Қаерлардадир балки бу соҳада ҳам мусобақалар ўтказилиб турилар. Агар ана шундай мусобақа ўтказилса албатта АҚШнинг Вустера шаҳрилик Диана Уит деган аёл ғолиб чиқиши аниқ. Энг узун сочли деб тан олинган бу аёл сочининг узунлиги ҳозирги кунда 259 сантиметрга етган.

Тушингизнинг таъбири нима?

Тушга ишонманглар дейишсада, кўпинча биз... бугун мен тушимда... фалон нарсани кўрдим, деган сўзларни эшитиб қоламиз. Булар нимани англатади?

Г. МАЖИДОВА.

Туш таъбири босилган русча нашрларда китобдаги маълумотларни жуда тўғри деб қабул қилмаслик ҳақида айтилган. Шундай бўлсада, уларнинг айримларини изоҳини берамиз.

Тушда тарвуз кўрсангиз — қувонасиз,

Ўрик — истагингиз амалга ошади.

Нон — бахт-хурсандлик.

Пойабзал — йўл.

Чоҳ — қашшоқлик, вайроналик.

Бирор кишин калтаклаш — душманлик, ҳусумат.

Қуймоқ — касаллик.

Касаллик — сиҳат-саломатлик.

Соқол қўйиш — бойлик.

Мураббо — ширинлик.

Сув тўла пақир — фойда кўриш.

Марварид — кўз ёши.

Девор — ишдаги кўнгилсизлик.

Кўзгу — ишда ўзгариш.

Игна — севиб қолиш.

Тоғора — бахт.

Қон — қариндошлар билан учрашув.

Сут — фойда кўриш.

Сабзи — ноқулайлик.

Ҳаммомда чўмилиш — касаллик.

Қиролича қандай ўрин тутади?

Буюк Британия қироличаси Елизавета II давлатни бошқаришда қандай ўрин тутади? Шу ҳақда билишни истардим.

З. КОМИЛОВА.

1952 йилдан бери Буюк Британиянинг қироличаси Елизавета Иккинчидир. У отаси қирол Георг VI ўлимидан сўнг 25 ёшида тахтга ўтирган. Бироқ қиролича мутлоқ ҳокимиятга эга эмас. Ҳақиқатда мамлакатда бор ҳокимият бош вазир бошчилигидаги вазирлар кабинети қўлида мужассамлашган. У парламент сайловларида аксарият овоз олган фирқа томонидан шакллаштирилади. Ҳозир бош вазир лавозимини 1975 йилда ғалаба қозонган консерватив фирқанинг (тори) етакчиси Маргарет Тэтчер эгаллаган.

Қироличанинг вазифалари турли хил. Анъанага кўра бош вазирлар ўзларини истеъфога чиқаришларини сўраб унга мурожаат этишади, қиролича парламент сессияларини очиб беради. Хорижий элчилар ҳукумат департаменти қошида эмас, балки қирол саройи қошида ҳисобда туришади. Барча унвонлар, ўзини яхши кўрсатганларга белгилар қиролича номи билан бош вазир томонидан топширилади. Қиролича мамлакатдаги ҳоким Англия черкови ва ҳарбий кучларга бошчилик қилади. Барча суд жараёнлари ҳам қиролича номидан олиб борилади. Қиролича ҳар куни энг муҳим масалаларни муҳокама қилиш учун бош вазир билан учрашади.

Англия матбуоти хабарларига қараганда Елизавета II 5,2 миллиард фунд стерлинг пулга эга. У Буюк Британиянинг 200 нафар энг бой кишилари сафида биринчи ўринда туради. Шунингдек, қиролича давлат ишларини бажариш билан бир қаторда миллий ҳамда халқаро ташкилотлар уюштирган кўплаб ҳайр-эҳсон, маданий тадбирларда ҳам қатнашади.



Бу йил Италияда бўлиб ўтган футбол бўйича жаҳон чемпионати мамлакатимиздаги мухлислар қалбида оғир из қолдирди. Чунки СССР терма командаси чемпионатнинг биринчи давра ўйинлариданоқ ўйин майдонини тарк этишди. Нега? — деган савол туғилади. Команданинг чемпионатдаги муваффақиятсизлигини кўпчилик собиқ бош тренер Лобановскийга ағдармоқда. Бу ҳам тўғри. Чунки бош тренер мухлислар ишончини оқлаган баъзи бир ўйинчиларни майдонга туширмади, деган айбнома ҳам қўйилмоқда.

СССР футбол Федерациясида бу масала кўриб чиқилганига анча бўлди. Овозга қўйиш йўли билан Москванинг «Динамо» командаси собиқ катта тренери Анатолий Бишовец терма команда бош тренери қилиб сайланганлиги ҳам барчага маълум. У терма команданинг таркибини қайтадан тузди. Ўйлаймизки, бу таркиб ўз мухлислари дилини ранжитиб қўймас.

СУРАТДА: Александр Уваров — СССР терма командасининг янги асосий дарвозабони.

Суратчи: И. УТКИН (СИТА).

ТВ

15 СЕНТЯБРЬ — ШАНБА

● ЎзТВ I

10.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув. 11.00 «Вазир бўлмоқчиман». Бадиий фильм («Мосфильм»). 12.30 «Ўзбек спортчилари жаҳон чемпионатида». 13.00 Пиримқул Қодиров. «Жон ширин». Видеофильм. 13.55 «Шарқ либоси фестивали». 14.40 Ёш ижрочилар концерти.

Тижорат кўрсатуви

15.20 «Давр талаби».

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Ҳосил байрами». Мультфильм. 18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Тенгдошлар». 19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Буюк муҳаддис». Ат-Термизий таваллудининг 1200 йиллигига. 20.15 Оқшом эртаклари. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Аёл қалби наволари». Мусиқий кўрсатув. 22.00 «Ҳафтанома». Ахборот-мусиқий кўрсатув. 23.00 «Хотира». СССР халқ артисти Шукур Бурҳонов таваллудининг 80 йиллигига. 24.00 Кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

17.40 Кўрсатувлар тартиби. 17.45 «Китоблар викторинаси». Мактаб ўқувчилари учун кўрсатув. 18.15 «Севги ҳақида афсона». Бадиий фильм. 1-серия (рус тилида). 19.30 «Новости». 19.45 «Насиба». Фильм-концерт. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Афғонистон менинг қалбимда». 22.00 «Ахбор». 22.15 «Театр учрашувлари». Ғолиб Исломов — М. Воҳидов номли ёшлар театрининг актёри. 23.15 Футбол бўйича СССР биринчилиги. «Помир» (Душанбе) — «Арарат» (Ереван).

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.05 «Игорь Бриль диалоглари». Фильм-концерт («Экран»). 8.33 «Онам, дадам ва мен». 9.03 «Умринг боқий бўлсин, Ер!», Экологик программа. 10.05 «Партнер». Тижорат хабарномаси. 10.35 Свердловск опера театри таклиф этади. 11.15 «Пи» белгиси билан». Илмий-оммабоп программа саҳифаларида. 12.15 «Бурда моден» таклиф этади... 12.45 «Келажак вариантлари». Телевизион ҳужжатли фильм. 13.45 «Рябинушка» вокал триосининг концерти. 14.00 Шоу-Кейс бизда меҳмонда. СССРда АҚШ ҳужжатли киноси кунлари. 15.00 «Кичкинтой ва Карлсон», «Карлсон қайтиб келди». Мультфильмлар. 15.40 «Ким аслида ўзи ким?». «Сиёсий мулоқотлар» туркумидан. 16.55 Бутунроссия конкурсининг лауреати С. Лукин чалади (домра). 17.10 «Халқаро панорама». 17.55 Томошабинларнинг талабларига биноан. «Криминал истеъдод». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар (Одесса киностудияси). 20.30 «Вақт». 21.00 СССР ҳукуматида. 21.10 И. Штраус. «Лўлилар барони» опереттасидан вальс. 21.20 Футбол. СССР чемпионати. «Торпедо» — «Спартак». «Торпедо» стадионидан кўрсатилади. 23.00 1990 йил қўшиқлари. 00.05 «ТСН».

Муҳаррир ўринбосари Фарруҳ РАҲИМОВ.

«Ёш ленинчи»

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана

Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Д. — 23574.